

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 1/2022

Тошкент – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ**

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий журнал

<p>Бош муҳаррир: Олимжон АХМЕДОВ</p>	<p align="center">2022 ЙИЛ–ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ</p> <p align="center">Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти</p> <p>Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, латин, кирилл ёзувида чоп этилади.</p> <p>Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.</p> <p>Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.</p> <p align="center">Мусахҳих: Ф.Матяқубова Саҳифаловчи: И.Каримов</p> <p><i>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда № 1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.</i></p>
<p>Жамоатчилик Кенгаши таркиби: Нуриддин НОРМАТОВ Азизбек ИКРАМОВ Баходир МАТЛЮБОВ Умидбек НУРУЛЛАЕВ</p>	
<p>Ҳайъат аъзолари: Улуғбек РАСУЛЕВ Ўткирбек МУХАМЕДОВ Нуъмон АЗИЗОВ Олтиной МАМИРОВА Фарход ХАТАМОВ Меҳмонали СУВОНҚУЛОВ Эркин МАЪРУПОВ</p>	
<p>Таҳририят: Масъул муҳаррир: Карим НОРМАТОВ Солижон ЕРНАЗАРОВ Фируза МАТЯҚУБОВА Исломхўжа КАРИМОВ</p>	

Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Кадрларни қайта тайёрлаш таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажми эгалланишини таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шакллари ва муддатлари тегишли давлат таълим талаблари билан белгиланади.

**Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонундан. 13-модда.
Тошкент ш.**

2020 йил 23 сентябрь. № ЎРҚ – 637

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси

1. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

2. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

3. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

4. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

5. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

6. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

7. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш назарда тутилади.

Ўз Ватанини, она халқини равнақ топтириши учун ўзини аямасдан меҳнат қилиши: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Табрик

ОҚ ЙЎЛ

Янги Ўзбекистонда янги журналларнинг маъно-мақсади айни муддао эканлигини қайд қилиш керак. Энг аввало, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тараққиёт стратегияси дастурида: “*Оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун имкониятларни кенгайтираш*”, деган пурмаъно инновацион ғоялари ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси фаолиятида: тингловчиларнинг давлат хизматида танлов асосида қабул қилиниши, узлуксиз малака ошириш самарадорлигини баҳолаш ва лавозим бўйича ўсишининг ҳаққоний мезонларини белгилаш, тинчлик ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги фидойиликлари илмий-амалий журналда шаффоф тарзда ёритилиши ҳамда халқчил бўлишига ишонаман.

Янги журналга ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Журналистлар уюшмаси раиси.

Қутлов

ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Инсон учун энг олий неъмат — элу юрт тинчлиги, ўз хонадонидаги хотиржамлик. Аммо тинчлик ҳам худди инсоннинг ўзи каби ҳимояга муҳтож.

Ҳимоя ҳақида сўз борса, беихтиёр кўз ўнгимизда паҳлавон, мард, бир сўзли, ҳаромдан ҳазар қиладиган, ориятли йигитлар гавдаланади. Атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек: **“Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ!”**

Биз Янги Ўзбекистонимизнинг жасур ўғлонлари ва қизлари, тинчлик посбонлари, ички ишлар бўлинмаларининг хушёр, бедор ходимлари ва офицерлари ҳақида ҳамиша ифтихор билан гапирамиз.

Кўҳна Хоразмнинг қадим Урганч шаҳрида ўзбек халқининг афсонавий қаҳрамони Жалолиддин Мангубердига қўйилган ёдгорлик ҳам том маънода мардликка, миллат фидойиларига қўйилган ҳайкалдир.

Мазкур ҳайкал тантанали очилганида, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг айтган дил сўзлари миллати осойишталиги, кадр-қиммати учун кўксини қалқон қиладиган шарафли Ватан фарзандларига оталарча меҳрининг, иззату иқромнинг намунаси бўлди.

Ушбу битикларимиздан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти муассислигида чоп этилаётган янги нашр – “Ахборотнома” журналининг илк сони билан барча соҳа вакиллари ижодкорлар номидан табриклаш, қизгин муборакбод этишдир. Зеро, журналнинг ҳар бир сони ички ишлар органлари ходимларининг қайноқ ва тифиз ҳаёти, жасоратга лиммо-лим фаолиятини ёритишга қаратилади. Мамлакатимиз ички ишлар тизимида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, янгиликлар, тезкор хабарлар, ҳуқуқий-норматив ўзгаришлар, шарҳлар, қимматли маълумотлар шунчаки ҳисобот кўринишида эмас, балки мутахассислар иштирокида чуқур таҳлил этилиб, аниқ ва лўнда тарзда ўқувчиларга ҳавола қилинади. Шоирона айтганда, мазкур нашр орқали ички ишлар органлари ходимлари ўз-ўзига кўзгу тутади, раҳбарларидан то оддий хизматчисигача, сержантдан то генералгача ҳамиша сергак бўлишга, шарафли хизматга, садоқатга, ҳалолликка чорлаб туради.

Шу маънода, биз ҳам мазкур нурли кўзгуга асло доғ тушмасин, деб дуо қиламиз. Журнал жамоасининг сўзларида нур, ниятларида улуғлик, қалбида кўр, дафтарларида офтоб порлаб турсин.

“Ахборотнома” барчамизга муборак бўлсин. Мазкур кичик ашъорни қутловимизнинг шеърий гулдастаси деб қабул қилгайсиз:

*Сиз – ганим ўтолмас азамат тоғлар,
Осуда туну кун, яқин-йироқлар,
Эй сиз — Мангуберди ёққан чироқлар,
Эл бахти деб ёнган ёғду муборак,
Янги наир қутлуг, кўзгу муборак!*

*Сиз элга қалқонсиз – тўсиқ эмассиз,
Юртим демаганни дўстим демассиз,
Номард бошин ерсиз, ошин емассиз,
Вафодан тугилган туйғу муборак,
Ўзингизга тутган кўзгу муборак!*

*Янги Ўзбекистон суянгай сизга,
Сиз ишонч боғисиз ҳар ўгил-қизга,
Кошки, таърифингиз сизсайди сўзга,
Ушбу кун ушалган орзу муборак,
Юртга қучоқ очган кўзгу муборак!*

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Профессор-ўқитувчилар илмий-педагогик фаолияти натижаларини ИИВ Малака ошириши институти “Ахборотномаси”да ёритиши ҳамда малака ошириши ва қайта тайёрлаш бўйича таҳсил олаётган тингловчиларга машғулот олиб боришида педагогик маҳоратини такомиллаштириши жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади:

- педагогик маҳоратнинг методик даражаси, илмий-амалий салоҳияти, қўлланиладиган усул ва воситаларини режаслаштирилган машғулот мақсадига, шунингдек мантиқийлик, аниқлик ва тизимлилик тамойилларига мос келишига;

- машғулот саволлари бўйича ижодий муҳокамани таъкил этиши ҳамда педагогик технологияларни қўллаган ҳолда аудиторияни асосий масалаларга йўналтира олишига;

- долзарб мавзуларнинг методологиясини очиб бериши, у бўйича эгаллаган илмий-назарий билими ҳамда амалий кўникмаси ва малакасининг шаклланганлигига;

- тингловчиларнинг креатив фикрлай олиши, мустақил қарор қабул қилиши кўникмаларини шакллантириши орқали уларни амалий фаолиятга йўналтирийдиган аудио, видео ва анимациявий интерфаол ўйин машқларини ўтказишига қаратилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув машғулотларини ўтказиши методикаси бўйича педагогик маҳоратининг натижадорлиги махсус комиссия томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ баҳоланади. Бунинг учун профессор-ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига кўра, кузатилган креативлик, нутқ маданияти ва касбий компетентлик даражасининг замонавий талабларга мослигини аниқлаш мақсадида улар билан суҳбат ўтказилади. Демак, қуйидаги методик масалалар: фаолиятида долзарб муаммоларнинг келиб чиқишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш ва барҳам бериши бўйича вазиятни қиёсий таҳлил қилиши даражасини белгилаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиши, компьютер технологиялари ва Интернетдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун ҳужжатлари маълумотларидан (www.lex.uz) олиши ва фойдаланиши, таҳлил қилиши, шарҳлаш кўникмаларини ўрганиши ҳамда чет тилларини (рус

тили, англиз тили ва бошқ.) ўзлаштириши даражаси бўйича “Тинглаб тушуниши”, “Ўқиши”, “Ёзиши” ва “Гапириши” кўникмалари ҳамда вақтдан унумли фойдаланиши (тайм-менежмент) технологиясини қўллаш маҳорати таҳлил этилади.

Ўз ўрнида тингловчиларда ҳарбий ватанпарварлик, мардлик ва жасорат, адолат ва ҳалоллик, огоҳлик ва ҳушиёрлик, зийраклик ва зукколик тамойиллари ривожланишининг шарт-шароитлари педагогик жиҳатдан ўрганилиб, янги тавсиялар берилади. Айтиши жоизки, махсус комиссия профессор-ўқитувчиларга тарқатилган саволларига уларнинг жавоблари тўғри ёки нотўғрилигини дарҳол маълум қилади, сўнгра қўйилган баҳолар қайд варағига киритилади. Бу Якуний аттестация ҳолатида ҳисобга олинади.

Касб маданияти ва маҳоратига эга ҳамда ўз касбини ардоқлайдиган, вазифасини онгли равишида бекаму-кўст бажарадиган муаллим – маънавий етук, жисмонан бақувват, одобли, билимли, тажрибали, Ватан тақдирига дахлдор шахсга айтилади. Бу ички ишлар органлари ходимлари касбий маданияти тавсифидир. Яъни, она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида фидойилик билан хизмат қилиши энг олий саодатдир.

Янги Ўзбекистон давлати тушунчаси ҳаётимизга жадал суръатда кириб келди. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё давлатлари янгиланишига юз тутмоқда. Бу нимани англатади? Инсон капитали ва омили миллат ва мамлакат тақдирини ўзгартиришига қодирлигини кўрсатади. Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида юз берган бу тарихий ўзгариши ва янгиланишларни инкор этиб бўлмайди? Бу ҳақиқатни бугун дўст ҳам, душман ҳам тан олди. 2022 йил январь ойининг 1 санасида мамлакат етакчисининг “Ўзбек халқига байрам табриги”да: “Учинчи Ренессансинг тўрт узвий халқаси бўлмиш – бозча, мактаб, олий таълим ва илм-фан ҳамда малака ошириши соҳаларини ривожлантириши масаласини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиши мақсадга мувофиқдир”, деган ҳикмати айни муддаодир.

Пировард мақсадимиз – янги Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт ва стратегик йўналишларини дунё талаблари даражасида белгилаган ҳолда, унинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва қиёфасини намойиш қилишдир, деб ўйлаймиз. Тингловчи-ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш шунини тақозо этади.

Долзарб мавзу

**Умид НУРУЛЛАЕВ,
ЎЗР ИИВ Касбий тайёргарлик бошқармаси
бошлиғи, полковник, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори(Phd)**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН ПРОФЕССИОНАЛ
КАДРЛАРНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ
ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ**

Маълумки, демократик ислохотларнинг муваффақияти кадрларнинг малакаси ва ташкилотчилик қобилиятига, янги давр талабларини нечоғлик ўзлаштириб олишгани, жонкуярлиги ҳамда ҳалол ва поклигига, қолаверса, ватанпарварлигига жуда боғлиқ. Ҳаётимизнинг қайси муаммо ва вазифалари ҳамда истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида – ҳамма нарса малакали кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади. Шу боис ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар – ички ишлар тизими, ДХХ, суд ва прокуратура ходимлари ва бошқалар сафларини маҳаллий, етук малакали, Ватанига ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли ҳамда замон талабига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишларига алоҳида эътибор берилди.

Ички ишлар органларида янги мафкура асосида тарбия топган, маънавий етук, малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида ИИВ таълим муассасалари фаолияти тубдан ислоҳ қилинди. Бу борада 1994 йилда ИИВ Академияси ташкил этилди. Қисқа давр ичида ички ишлар органлари кадрлар билан жамланди, ходимларнинг касбий ва жанговар маҳоратини оширишга эътибор кучайтирилди.

Мустақиллик йилларида орттирилган тажриба, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни холисона баҳолаш асносида, юзага келаётган хавф-хатар, таҳдидлар ва чақириқларни таҳлил қилиб, уларнинг барвақт олдини олиш ва қарши курашишга қодир бўлган кадрлар салоҳиятини ошириш масаласи замон талабига айланган эди. 2016 йил декабрь ойида Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган вақтдан бошланган давр – мамлакатимизнинг барча соҳалари сингари ички ишлар органлари тизимида ҳам мутлақо янги туб ислохотлар бошлангани сифатида тарихда мухрланди.

Ички ишлар органлари учун интеллектуал ва профессионал билим даражаси, маънавий-ахлоқий савияси юқори бўлган кадрлар тайёрлаш бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни жорий этишга олти йилдирки жиддий киришилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 15 апрелда *“Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ–5076-сон Қарорининг қабул қилиниши тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди¹.

Қарорга асосан Академия фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 62 банддан иборат ИИВ Академияси фаолиятини ислох этишга доир ривожланиш стратегияси қабул қилиниб, унда белгиланган ташкилий ва амалий мазмундаги 41 та, таълим жараёни сифати ва самарадорлигини оширишга доир 36 та, илмий салоҳиятни кучайтириш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишга оид 34 та, шахсий таркиб ўртасида тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни юксалтириш, профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича 55 та ва моддий-техник базани мустаҳкамлашга хизмат қилувчи 30 та, умумий ҳисобда 200 га яқин чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланмоқда.

Академияда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган бакалаврият ва магистратурани ўз ичига олган олий таълим тизими жорий этилиб, ўқув жараёнига назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи мутлақо янги такомиллашган механизмлар татбиқ этилди.

Миллий ва хорижий турдош олий таълим муассасалари (Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети, Бош прокуратура академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Қуролли Кучлар академияси, Беларусь Республикаси ИИВ Академияси, Россия Федерацияси ИИВ Бошқарув академияси, Волгоград академияси)нинг бой тажрибалари ва янги Давлат таълим стандартлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 15 апрелда *“Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ-5076-сон Қарори // <https://lex.uz/search/nat?actnum=5076>.

асосида биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ҳамда юридик фанларни ўқитишга йўналтирилган Академияда кундузги ва сиртки таълим бакалавриати малака талаблари ҳамда ўқув режалари ва фан дастурлари қайтадан ишлаб чиқилди.

Кундузги таълимда илгари мавжуд бўлган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти”, “Тезкор-қидирув фаолияти”, “Тергов фаолияти”, “Эксперт-криминалистика фаолияти”, “Жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти”, “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш фаолияти” мутахассисликларига қўшимча “Ташкилий-штаб фаолияти” мутахассислиги бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Миллий таълимни мутлақо янгича модулли ўқитиш технологияси асосида замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ёрдамида олиб бориш амалиёти жорий этилди. Бунда таълим жараёнини назария ва амалиёт уйғунлиги асосида ташкил этиш, келгусида битирувчиларнинг амалиётга тезда киришиб кетишини таъминлаш мақсадида кундузги таълимнинг бакалавриат босқичи ўқув режалари 60 фоиз назария ва 40 фоиз амалиёт тарзида ишлаб чиқилди.

Ўқув режаси юкламаси (соатлари) кундузги таълимдаги 7 та мутахассислик йўналиши хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бири 5 та ўқув модулига тақсимланди ҳамда ўқув жараёни Академия базасида 3 ҳафта назарий таълим ва амалиёт органларида 1 ҳафта базавий амалий машғулот тарзида ташкил этилади. Ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди, хусусан ўқув режасидаги 7 та фан мақбуллаштирилди ҳамда 20 дан ортиқ янги ихтисослик, умумқасбий ва ижтимоий-гуманитар фанлар киритилди.

Академияда назария ва амалиётнинг узвийлигини таъминлаш, таълим беришнинг янги механизмлари жорий этилди.

Ихтисослаштирилган кафедралар профессор-ўқитувчилари ва кундузги таълим курсантларидан иборат ўқув тергов-тезкор гуруҳлари шакллантирилиб, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса жойига чиққан ҳолда терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказишга доир амалий кўникмаларни шакллантириш йўлга қўйилди. Ўқув тергов-тезкор гуруҳлари учун иккита автобус ажратилиб, сайёр машғулот ҳамда криминалистик экспертизалар ўтказиш учун махсус жиҳозланди.

Тегишли ҳудуддан жамланган курсантлар, магистратура тингловчилари ва ихтисослаштирилган кафедралар профессор-ўқитувчилари учун Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳри ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари раҳбарлари томонидан ҳар ойда бир маротаба онлайн мастер-класс машғулотлари ўтказилиши йўлга қўйилди. Ўтган давр ичида жами 126 маротаба шундай онлайн маҳорат дарслари олиб борилди. 2-ўқув курсидан бошлаб курсантларнинг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек, Юнусобод ва Яшнобод туманлари ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларида базавий амалиёт ўташи йўлга қўйилди.

Вазирлик тегишли соҳавий хизматларида ўтказилган чорак якуни бўйича ҳисобот йиғилишларида Академия ихтисослаштирилган кафедралари бошлиқлари бевосита иштирок этиб, муҳокама этилган масалалар доирасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, хизматлар олдида турган муҳим вазифалар ва қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор бўлиб, улардан таълим жараёнини самарали ташкил этишда фойдаланмоқдалар.

Киберхавфсизлик бўйича ички ишлар органларида малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида Академия 3-ўқув курсининг 85 нафар курсантлари 3 ойга мўлжалланган алоҳида дастур асосида ИИВ Киберхавфсизлик маркази ходимлари ҳамда Тошкент шаҳар ИИББнинг тажрибали мутахассислари билан биргаликда ўқув машғулотлари ташкил этилди. Академиянинг 1 ва 2-ўқув курсларида ихтисослашган-экспериментал ўқув гуруҳи уюштирилиб, уларда курсантларни киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши кураш бўйича мақсадли тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

ИИВ Академиясида магистратура ташкил этилди ҳамда хорижий ва миллий нуфузли турдош олий таълим муассасалари илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда унда бошқарув кадрларини тайёрлашнинг икки босқичли тизими йўлга қўйилди:

биринчи босқич – *“Ташкилий-тактик бошқарув” мутахассислиги бўйича II даражали бошқарув магистри;*

иккинчи босқич – *“Ташкилий-стратегик бошқарув” мутахассислиги бўйича I даражали бошқарув магистри.*

Давлат таълим стандартлари асосида модулли ўқитиш тизимига асосланган малака талаблари, ўқув режалари, 38 та фан дастурлари ҳамда

ишчи фан дастурлари ишлаб чиқилди. Ишчи ўқув режаларида назарда тутилган умумий аудитория соатининг 52,2 фоизи мутахассислик фанларига, 47,8 фоизи бевосита мутахассисликка йўналтирилган умумметодологик ва танлов фанларига ажратилган.

Магистратуранинг ўқув жараёнини ташкил этишда эскича ёндашувлардан бутунлай воз кечилиб, янгича таълим жараёнини жорий қилиш замонавий интерфаол усуллари ҳамда энг янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда ташкил этилишига эътибор қаратилди. Магистратурага ўқиш истагини билдирган ходимларнинг тўғридан-тўғри мурожаатига асосан очиқ ва холисона танлаб олиш орқали ҳужжатларни онлайн тарзда топшириш имкониятини берувчи magist.akadmvd.uz ахборот тизими ишга туширилди. Магистратурада умуман таълим жараёнини ташкил этишда замонавий интерфаол усуллари, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда тингловчиларда инновацион бошқарувга оид касбий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш, раҳбарлик маҳоратини эгаллаш ва ошириш учун ўтган ўқув йилида Академия раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, Ички ишлар вазири ўринбосарлари, соҳавий хизматлар раҳбарлари, нуфузли миллий ҳамда турдош олий таълим муассасалари (Давлат бошқаруви академияси, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Бош прокуратура академияси, ДХХ Академияси ва бошқ.)нинг жами 100 га яқин тажрибали раҳбарлар ва мутахассислари томонидан самарали равишда машғулотлар олиб борилди.

Ривожланган хорижий мамлакатлар ҳамда Республикамизнинг етакчи олий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида Магистратурада тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш Европа кредит трансфер тизимига (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосан амалга оширилиши белгиланди.

Магистратура тингловчилари учун амалиётдаги энг долзарб муаммолар бўйича магистрлик диссертацияси тадқиқоти доирасида илмий фаолият билан шуғулланиши белгиланган бўлиб, диссертация мавзулари ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг фаолият йўналишлари ҳамда уларни бошқаришнинг долзарб масалалари ва муаммоли ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш назарда тутилди. Мавзуларнинг аксарият қисми

тингловчиларнинг ўзлари ишлаган ҳудудларнинг хусусиятлари бўйича тадқиқот олиб боришига қаратилиб, жами 147 та магистрлик иши мавзуларининг 46 таси ҳудудий органлар, соҳавий хизматлар ва таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Тингловчиларнинг маданий ва маънавий дам олишларини ташкил этиш мақсадида ҳар шанба ва якшанба кунлари уларни “Ғалаба боғи”, театрлар ва музейлар, Ҳазрати имом масжиди каби тарихий объектларга ташрифлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарори асосида Сиртқи таълим фаолиятига қуйидагилар татбиқ этилди:

“Жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш фаолияти” мутахассислиги *“Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”*га 60420900-рақам билан киритилди ҳамда мутахассислик номи *“60420900-Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фош этиш фаолияти”* деб ўзгартирилди ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда Қуролли Кучларда камида уч йиллик ҳарбий хизмат стажига эга бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 10 майдаги *“Ички ишлар вазирлигининг стипендиялари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”*ги 156-сон буйруғи билан ИИВ Академияси курсантларининг ўқишда, маънавий-маърифий ва спорт-маданий соҳаларида юқори натижаларга бўлган интилишларини моддий рағбатлантириш мақсадида, *“Ички ишлар вазирлигининг Жалолиддин Мангуберди номидаги стипендияси”* таъсис этилди. Ички ишлар вазирлигининг Жалолиддин Мангуберди номидаги стипендияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ўқув йили якунига кўра ўқишда фанларни аъло баҳоларда ўзлаштирган, маънавий-маърифий, спорт-маданий соҳаларда юқори натижаларга эришган, интизомли ва таълим муассасаси ҳаётида фаол қатнашиб, бошқаларга ҳар томонлама ўрнаткич бўлган ҳамда шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган Академия кундузги таълим курсантларига ИИВ Академияси Илмий кенгаши томонидан ўтказилган танлов натижаларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан *“Ички ишлар вазирлигининг Жалолиддин Мангуберди номидаги стипендияси”* тайинланади.

Шунингдек, мухтарам Президентимизнинг юқорида таъкидланган Қарорларига мувофиқ, 2021 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ички ишлар органларидаги хизматни ўташда **узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизими** жорий этилди. Мазкур тизим жорий этилиши билан ички ишлар органларида ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш - мутлақо янгича ёндашув орқали ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали ва оқилона бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, барча тоифадаги ички ишлар органлари ходимларининг талаб даражасида хизмат ўташи ҳамда уларнинг хизмат мартабаси ошиши учун хизматнинг бутун муддати давомида узлуксиз равишда таҳсил олиш ва малака ошириб боришига эришиш, доимий равишда ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда масофавий ва мобил сайёр курсларни ўтказиб бориш, кадрлар малакасини оширишнинг белгиланган даврийлигига риоя қилинган ҳолда таълим дастурларини, билим ва кўникмаларни доимий равишда такомиллаштиришдан иборат кредит-модуль механизмини жорий қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ягона бошқарув тизимига ўтказиш мақсадида Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилиб, Ички ишлар вазирлигининг Тошкент ва Олмалиқ шаҳарларидаги ходимларни бошланғич тайёрлаш ва улар малакасини ошириш марказлари Малака ошириш институти балансига ўтказилди. Институтда ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита жойларда малакасини оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобил сайёр курсларни ўтказиш бўйича тизим жорий этилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: **“Жаҳонда мафкуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак”**². Шу боис ҳам Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти тингловчиларида ўзликни англаш ва мафкуравий иммунитетни

² *Мирзиёев Ш.М.*: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 14 январь. 1-б.

мустаҳкамлаш мақсадида “*Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш*”, “*Коррупция – ички маънавий таҳдид*” махсус курслари ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда ички ишлар органлари тизимида ҳар ҳафтада “Ватанпарварлик куни” тадбирлар комплекси ўтказилиши йўлга қўйилди. Айни вақтда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар, тарбиявий, тарғибот-ташвиқот, психологик фаолият, ижтимоий-ҳуқуқий фаолият, маданий тадбирлар каби йўналишларда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Тизимимизда юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли, фидойи, маънан етук, касбий ихтисосликларни пухта эгаллаган, ҳар қандай шароитда хизмат вазифаларини виждонан бажарадиган, матонат ва жасоратда, ҳаёт тарзи ва профессионал фаолиятида бошқаларга ўрнак бўладиган ходимлар корпуси шаклланиб, раванк топмоқда.

Бугунги кунда ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилаётгани, соҳада ўз бурчи ва масъулияти ҳамда қасамёдига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар ходимлар сони тобора кўпайиб бораётганини Ички ишлар вазирлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг тобора энг муҳим натижаси сифатида қабул қилиш керак. Ходимларнинг Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилиши - шарафли ва муқаддас бурч эканлигини англаши, давлатимиз ва ички ишлар органларининг тимсоллари билан фахрланиб, қасамёдига содиқ бўлиши ҳамда касбий бурчини бажаришда қонунийликка қатъий риоя этиши халқимизнинг уларга бўлган ишончи ва ҳурмат ҳиссини янада юксалтирмоқда.

Мамлакатимизда халқпарвар ички ишлар органларини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган демократик ислохотларни изчил давом эттириш, тизимда ҳар жиҳатдан содиқ, ҳалол, ватанпарвар, фидойи, мард ва жасур ходимларни тарбиялаш билан бирга, халқимиз ўртасида ички ишлар органларига нисбатан фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият устуворлигини таъминлаш, касбига бўлган чин ҳавас ва қатъий қизиқишларини орттириш ҳамда ички ишлар органлари сафини мустаҳкам иродали ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган ходимлар ва истиқболли ёшлар билан тўлдириб бориш айна муддаодир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда: **“Кўрилаётган чоралар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп”**.

Ишга янгича ёндашиш, одамларнинг дарди ва ташвиши билан яшаш, фидойилик ва жонкуярлик кўрсатиш ички ишлар органларининг барча бўғиндаги раҳбар ва ходимлари хизмат фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур! Халқ манфаатларига хизмат қилиш, чинакам халқчил ва халқпарвар бўлиш, хизмат фаолиятимизнинг бош мақсади ва вазифаси бўлиб қолиши керак.

Зотан, ички ишлар органи давлатнинг кучини амалда тўлиқ ва ҳалол намоён этадиган энг самарали тизим сифатида **Учинчи Ренессанс - Янги Ўзбекистон** тараққиёт стратегиясининг янги даври пойдеворига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Резюме

Мақолада ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни сифат жиҳатидан тайёрлашнинг янги тизимини жорий этиш – Янги Ўзбекистоннинг муҳим бўғини бўлиши илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилди.

В данной статье для органов внутренних дел подготовки профессиональных кадров по новой качестве для структуры ОВД считается новому Узбекистану, как звено деловое и анализируется научно - практическом направлений.

In this article, for the internal affairs bodies, the training of professional personnel for a new quality for the structure of the internal affairs department is considered to be new Uzbekistan, as a business link and analyzed in scientific and practical areas.

**Олимжон АХМЕДОВ,
ЎзР ИИВ Малака ошириш институти
бошлиғи, полковник, т.ф.н., доцент**

**ПРОФЕССИОНАЛ КАСБИЙ РАҲБАР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ –
ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА**

Раҳбарлар фаолиятига баҳо бериши биринчи навбатда, ўз ҳудудидаги мурожатлар сонига қараб, уларнинг амалий ечимига қараб ва халқ ичида юришига қараб белгиланади, қисқа қилиб айтганда, уларга халқнинг ўзи баҳо беради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Янги Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ички ишлар органлари ходимларининг самарали фаолияти жуда муҳим ўринни эгаллайди. Шу боис ҳам янги Ўзбекистонни ўта ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши ва унинг халқаро майдондаги имижини, яъни нуфузини ошириш, ҳуқуқ-тартибот ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда ИИОнинг ҳар бир ходими масъулдир.

Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш, уларнинг касбий, жанговар-жисмоний тайёргарлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни даврий қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш ҳамда амалда қўллаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дарвоқе, ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш борасидаги туб ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрель кундаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиши бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5076-сон Қарорининг имзоланганлиги муҳим воқеа бўлди.

Мазкур қарорга асосан, ички ишлар органлари учун профессионал мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали тарзда бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида Вазирлик ҳузурида Малака ошириш институти ташкил этилди ҳамда асосий йўналишлари белгилаб берилди. Шунингдек, тизимда хизматни ўташ тартибига узлуксиз ўқув-карьерга жараёнини жорий этиш, ходимларнинг хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимлари, кўникма ва маҳоратларини доимий равишда юксалтиришни изчил таъминлаш, соҳада мавжуд бўлган муаммоларга оид амалий фундаментал ва илмий-тадқиқотлар ўтказиш бўйича ишларни тизимли равишда амалга ошириш белгиланди.

Янги институтнинг муҳим вазифалари сифатида сафдор, сержант ва офицер ходимлар билан узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизимида тайёргарлик ишларини олиб бориш, ходимларнинг пухта малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва касбий салоҳиятини янада ошириш, барча тоифадаги ходимларнинг хизмат ўташи ҳамда мартабаси узлуксиз равишда таълим олиш орқали малака ошириш ҳамда қайта тайёрлашга эришиш, демак доимий равишда ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита малакасини оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобиль сайёр ўқув курслари ўтказиш, анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган ҳолда олиб бориладиган шаклларини, шунингдек, малака оширишнинг белгиланган даврийлигига риоя қилиш таълим дастурлари ҳамда билим ва кўникмаларини доимий равишда такомиллаштиришдан иборат кредит-модуль механизминини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизими асосида ходимларнинг бошланғич тайёргарлиги, махсус касбий тайёргарлиги, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва мақсадли касбий ўқитишга йўналтирилган ўқув курслари Институт кафедра ва цикллари томонидан назария ҳамда амалиётни интеграция қилиш ҳамда “модуль тизими” асосида ташкил этилишига эришилмоқда.

2021 йил давомида **33** мингдан зиёд ички ишлар органлари ходимлари – сафдор, сержант ва офицерлар таркиби турли шаклларда, жумладан

кундузги, мобилъ-сайёр ва масофавий шаклларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва махсус унвон берилишидан олдин махсус малака ошириш ўқув курсларида ўқув тайёргарликдан ўтказилди. Институтда ва унинг филиалларида жорий этилган онлайн ва оффлайн ўқитиш платформаси ёрдамида ходимлар масофадан туриб таълим олиш, тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш тартиби татбиқ этилиши натижасида тингловчиларни хизматдан ажралмаган ҳолда таълим олишлари таъминланди. Ўқув машғулотларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, бошқа давлат бошқаруви ва ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари, етакчи таълим муассасаларининг раҳбарлари, ИИВ соҳавий хизматларининг бой амалий тажриба ва салоҳиятга эга ходимларини жалб этган ҳолда юқори савияда ўтказилиб келинди.

Институтнинг Ахборот ресурс маркази “Электрон кутубхонаси”нинг компьютерлари интернет тармоғига уланиб, “Library.ziyounet.uz”, “Norma.uz”, “Lex.uz”, “Natlib.uz” ҳамда бошқа расмий сайтлардан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали таълим сифатини ошириш имконияти яратилмоқда. Ўқув жараёнларини сифатли ташкил этиш борасида жамоамиз олдида қўйилган вазифаларни тўла-тўқис амалга ошириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишлар асосида “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилган:

Биринчи йўналиш – белгиланган мақсадларга эришиш самарадорлигини ошириш учун ўқув жараёнига “андрагогика” қоидаларига асосланиб, интерфаол методлар ва замонавий инновацион педагогик технологияларни татбиқ этиш, яъни анъанавий таълим билан биргаликда интерфаол таълим кенг қўлланилишига эришиш лозим.

Булар:

- ўқув жараёнини амалий йўналтирилган ҳолда «модуль тизими» асосида ташкил этиш;

- ўқув жараёнида инновацион педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўқув йиғинининг биринчи кунидан охириг кунига қадар ягона мақсадга йўналтирилган ҳолда жадвал-лойиҳалаштириш тузиш орқали кафолатланган натижаларга эришиш;

- ўқув машғулотларини интерфаол методлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда ўтказиш («Кейс-стади», «Ақлий хужум», «Ролли ўйинлар», «БББ», «Бумеранг», «Кластер», «Балиқ скелети», «Давра суҳбати» ва бошқалар);

- тайёрланаётган барча услубий материалларда замонавий инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар акс этишини таъминлаш назарда тутилади.

Иккинчи йўналиш – таълимнинг инновацион турларини ўқув жараёнига татбиқ этиш орқали ўқув жараёнига ноанъанавий таълим турларини татбиқ этиш, тингловчиларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қулайлик яратиш, уларни тўлиқ қамраб олиш, вақт-соат тежамкорлигига эришиш ҳамда сарф-харажатларни қисқартириш мақсадидан кенг фойдаланиш, яъни ўқув жараёнига масофавий таълим турини татбиқ этиш орқали жойларда мобиль-сайёр ўқув йиғинларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи йўналиш – ўқув жараёнини жадвал-лойиҳалаштириш ва уларни ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш, ўқув-хизмат тартиб-интизомига риоя этилишини доимий равишда назорат қилиш:

А. Ўқув жараёни сифатини таъминлаш учун қуйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш; ИИО мутахассислиги йўналишлари бўйича блок-модуль асосида ўқув дастурлари, ўқув-мавзу режалари ҳамда мутахассислик йўналишлари бўйича ўқиш муддатининг биринчи кунидан охиригача тўлиқ қамраб олган ҳолда жадвал-лойиҳа ўқув-услубий комплексларини босқичма-босқич қатъий тарзда тайёрлаш шарт.

Б. Ўқув дастурларида ўқув юкларининг тақсимотини қуйидагича амалга ошириш: хизмат фаолияти бўйича касбий-ҳуқуқий тайёргарлик; хизмат фаолиятидаги ислохотлар, янгилик ва илғор тажрибалар; ахборот-коммуникация технологияларидан хизмат фаолиятида фойдаланиш учун ўқув блок-модуллари ниҳоятда зарурдир.

В. Ўқув услубий таъминлаш бўлими ва кафедра, цикларнинг профессор-ўқитувчилари, ўқув саф қисми томонидан ўқув-хизмат интизомининг доимий мониторингини олиб бориш; профессор-ўқитувчиларнинг ўқув машғулотлари тақсимотини доимий назорат қилиш ва ўқув интизомига қатъий риоя этишларини таъминлаш; ўқув жараёнида

аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини доимий равишда кўриб бориш талаб этилади.

Тўртинчи йўналиш – профессор-ўқитувчилар таркибининг педагогик-услубий маҳоратлари ва билимларини доимий равишда ошириб бориш;

- ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизим фаолиятидаги илғор хорижий янгиликлар ва тажрибалар ҳамда муаммолардан доимий хабардор бўлиб боришлари учун ички ишлар органларида кунлик, ҳафталик ва ойлик амалиётлар ва стажировка ўташларини ташкил этиш:

- ўқув машғулотларини замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда ўтказиш малакаларини ривожлантириш мақсадида мутахассисларни таклиф этган ҳолда ўқув курсларини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш марказида институт профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни ташкил этиш;

Илғор хорижий давлатлар ва Республика муассасалари, хусусан Қуролли Кучлар Академияси малака ошириш курсларида профессор-ўқитувчилар таркибини тайёргарликдан ўтишини ташкил этиш;

- ўқув машғулотларида замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакаларини ошириш учун етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан мастер-класс машғулотлари ўтказилишини доимий равишда ташкил қилиш;

- профессор-ўқитувчиларнинг касбий билимлари даражасини назорат қилиш, педагогик ва услубий маҳоратларини ошириш, ўқув машғулотларида замонавий инновацион педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни таъминлаш борасидаги малакаларини ошириб бориш мақсадида “педагогик маҳорат” мактаби фаолиятини йўлга қўйиш, педагогик назорат ва машғулотларга ўзаро қатнашишларини ташкиллаштириш жуда муҳим ҳисобланади.

Бешинчи йўналиш – профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар учун ахборот-ресурс маркази имкониятидан фойдаланиш учун шароит яратиш: ахборот-ресурс маркази фондини ўқув, илмий, бадиий адабиётлар ва газета-

журналлар билан тўлдириш чора-тадбирларини белгилаш, Академия ва бошқа турдош олий таълим муассасалари билан ўқув адабиётларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, адабиётларни харид қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш ҳамда фондни доимий равишда янгилаш ва кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Олтинчи йўналиш – илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш орқали ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, киберхавфсизлик ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги долзарб муаммоларни илм-таълим йўналишида ўтказиш:

- илмий-тадқиқот ишларини соҳа фаолиятида янада ривожлантириш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш учун ахборот-таҳлилий материаллар ҳамда тавсияларни тайёрлаш;

- илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича ички ишлар органлари учун амалий қўлланмалар тайёрлаш;

- илмий-тадқиқот ишлари йўналишида турдош ва хорижий Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ўрнатиш жуда муҳимдир.

Еттинчи йўналиш – Малака ошириш институтининг ўқув моддий-техника базасида қурилиш ва реконструкцияни амалга ошириш, мақсадли ситуацион полигонларни яратиш, мавжуд моддий-техника базасини кенгайтириш ва сақлаш, асраб-авайлаш ҳамда доимий равишда такомиллаштириб боришдан иборат.

Институт ва унинг ҳудудий филиалларида маънавий-маърифий ишларни **“Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш - олий бурчимиз!”** концептуал ғояси асосида ташкил этиш, тингловчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш, фаол ҳаётий позицияси ва интеллектуал салоҳиятини, она Ватан тақдирига дахлдорлик масъулиятини мустаҳкамлаш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетини кучайтириш, уларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик ҳамда виждонан диёнат ила бажаришга йўналтириш

ишларини амалга ошириш юзасидан белгиланган махсус курсларни ўқитиш учун ўқув дастурлари тайёрланган.

Ички ишлар органларига етук малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида ўқитишнинг замонавий илғор тажрибаларини татбиқ этиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Халқаро ҳамкорлик бошқармаси билан институт зиммасига юклатилган вазифаларни самарали тарзда БМТ ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЕХХТнинг мамлакатдаги лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси, Япониянинг ЈСА, Жанубий Кореянинг КОІСА, Туркиянинг ТІКА каби халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентликларининг ваколатхоналари ҳамда Россия, Хитой, Франция, Испания, Италия, Германия каби давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари билан ўзаро иш фаолиятини оқилона йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, узлуксиз ўқув-карьерга жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасини бажаришлари, турли рейтингларда юқори даражага кўтарилишига бўлган ишонч чора-тадбирларини амалга ошириш борасида ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги стимул беришини инобатга олган ҳолда ўқув-услугий ва илмий-тадқиқот ҳамда маънавий-маърифий ишлар борасида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада профессионал кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос усул ва услублари очиб берилган, истиқболи белгиланган.

В статье раскрыты методы и методология, освоения подготовки профессиональных кадров, также перспективы.

The article reveals the methods and methodology, the peculiarities of the training of professional personnel, as well as the prospects.

Илмий мақолалар

Баходир МАТЛЮБОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи маслаҳатчиси,
генерал-лейтенант, доцент

**ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАШ – ЁШЛАРИМИЗНИНГ
БИЛИМ ВА ШИЖОАТИГА БОҒЛИҚ**

Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган изчил демократик ислохотлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган туб ўзгаришлар давлат идоралари, хусусан ички ишлар органларининг халқ манфаатлари йўлида астойдил хизмат қилиши учун муҳим ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш мақсадида сўнгги олти йил мобайнида мухтарам Президентнинг ўттизга яқин фармон ва қарорлари, унга янги кодекснинг қабул қилингани, яна бир қатор қонунларга тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилгани эътиборга молик бўлди. Муҳими, тизимдаги туб ислохотлар давом этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида халқчил давлат қурилиши пойдеворининг мустаҳкамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси юртимиз бугуни ва эртанги келажагини белгилаб берувчи дастуриламал ҳужжатда жамиятни изчил ислоҳ этишнинг барча йўналишлари қатори таълим-тарбия масаласи, яъни ёшлар муаммосига устувор аҳамият берилди. Шунинг эътирофи этиш керакки, Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, билим ва касб-ҳунар ўрганиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Сўнгги йилларда ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, 20 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий манбалар ратификация этилди. Жорий йилнинг “**Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**” деб номлангани – илм-маърифат ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг мантиқий ва узвий давоми эканлиги, мамлакатимиз тақдирида ёш авлод таълим-тарбиясининг нечоғлик долзарб аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Президент Мурожаатномасида: *“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”*, деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганлиги, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия бериш ҳамда олий таълимдан кейинги малака оширишни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланади. Бу зарур вазифа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун етук малакали кадрлар тайёрлаб бераётган Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамда Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари зиммасига улкан масъулият ва мажбурият юклайди. **“Ҳаёт давомида ҳамиша ўқиш”** тамойили асосида мактабгача ва умумий ўрта ҳамда олий таълимни тубдан ислох этиш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш ҳозирги даврнинг муҳим талабидир.

Дарвоқе, бу жараёнда таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши ҳаётий заруратга айланаётгани табиий. Айни бир пайтда хориж давлатлари тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этиш жуда мақбул йўлдир. Бунда Карелия университети ректорининг: *“Финляндияда қайси фан ўқитувчиси бўлишидан қатъи назар, педагогика бўйича қайта тайёрланади”*³, деган фикрлари жуда ўринлидир. Чунки малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг ўта муҳим жиҳатлари педтаълим, яъни янги педтехнологияларни ўзлаштирган ҳолда ҳар бир педагогнинг фаолиятида мукамал тарзда давом этади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 29 июнида ИИВ Академиясига ташриф буюриб, ўқув даргоҳининг нуфузи ва мақомини юксалтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берган эди. *Академик таълим масканининг янги, истиқболли тараққиёт даврини бошлаб берган Юртбошимизнинг ушбу тарихий таширифидан сўнг, кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизими яратилди.*

Ички ишлар органлари учун мутахассисларни босқичма-босқич ва мақсадли тайёрлаш, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

³ Халқ сўзи. 2022 йил 19 май.

борасида юксак савияли профессор-ўқитувчилар ҳамда катта тажрибага бой амалий офицерлар самарали тарзда олиб бормоқдалар.

Маълумки, Президентимиз ёшларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишига, жамиятнинг етакчи, мард ва жасур аъзоси бўлишига доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мурожаатномаларидан бирида ёшлар масаласига алоҳида тўхталдилар: *“Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “Қуёшлик истасанг, касби камол эт”, деб ёзганлар. Чиндан ҳам одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим”*,⁴ деган эди.

Дарвоқе, юртимизда миллий маданият ва маънавиятни янада ривожлантириш учун тегишли қарорлар қабул қилиниб, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу ўзгаришлар эса маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида изчил юксалтиришга йўналтирилмоқда. 2022 йилнинг 19 январь куни Президентимиз раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари: **“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”**⁵, деган ҳикматни ифода қилди.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кетаётган шароитда уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида камол топтириш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига жалб этиш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятни намоён қилишга шароит яратиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. *“Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”*, - деб қайд қилган эди давлатимиз раҳбари.

Маънавий камолот масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланган мураккаб шароитда курсантларимиз ва тингловчиларимизнинг касбий ва ахлоқий фазилатларини юксалтириб бориш орқали уларни ҳар томонлама етук кадрлар этиб тайёрлаш ҳам доимий эътиборимизда. Чунончи, бугун Академик таълимда жадиждчилик миллий адабиётимизнинг

⁴ Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

⁵ Халқ сўзи. 2022 йил 20 январь.

атоқли намоёндаларидан бири Абдулхамид Чўлпоннинг ибратли ҳаёти ва ижоди чуқур ўрганилмоқда. Ёшларимиз орасида китобхонликни тарғиб қилиш, ўғил-қизларимизнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, ички ишлар тизимидаги изчил ислоҳотлар – одамларнинг дарду ташвишлари, муаммолари билан яшайдиган чинакам халқпарвар тузилмани яратиш, одамларнинг ички ишлар органларига бўлган ишончи ва меҳрини юксалтиришга қаратилган. Президентимизнинг янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгилаган устувор вазифалари ҳам етук билим ва салоҳиятли, ҳам маънавий дунёқараши кенг ва жамиятимизда кечаётган ислоҳотларга тайёр, ўз малакасини ошириб, янада тобланган тингловчиларни, яъни ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилади. Ёшларга билдирилаётган юксак ишонч эса келажакда албатта ўз маҳсулини беради.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ёшларнинг билимли ва шижоатли бўлиши – янги Ўзбекистон истиқболи эканлиги эътироф этилади.

В настоящее статье показывается знание молодежи и патриотизм – это перспектива в развития нового Узбекистана.

This article shows the knowledge of youth and patriotism - this is a prospect in the development of new Uzbekistan.



Улугбек РАСУЛЕВ,
первый заместитель начальника
Института повышения квалификации
МВД Республики Узбекистан, полковник

**ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ
СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Любая профессиональная деятельность предъявляет к человеку определенные требования и накладывает своеобразный отпечаток на его личность и весь образ жизни. И для того, чтобы определить, какими личностными качествами, обуславливающими эффективность профессиональной деятельности должен обладать сотрудник органов внутренних дел, необходимо подвергнуть анализу саму эту деятельность, выявить ее специфические особенности, раскрыть ее структуру. Выяснение закономерностей профессиональной начальной деятельности позволяет не только изучить ее, но и разработать систему организационных мероприятий, направленных на ее совершенствование.

Значит, профессиональная начальная подготовка сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан как определенная социально-правовая категория представляет собой обусловленную потребностями государства систему обучения сотрудников, впервые назначенных на должности рядового и офицерского составов органов внутренних дел, осуществляющаяся в образовательных учреждениях МВД Республики Узбекистан.

В целях внедрения совершенно новой системы подготовки специалистов для органов внутренних дел, *обеспечения карьерного роста* в зависимости от квалификации сотрудников, а также дальнейшего повышения интеллектуального и профессионального потенциала руководящих кадров в эффективном управлении силами и средствами было принято постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению качественно новой системы подготовки профессиональных кадров для органов внутренних дел» от 15 апреля 2021 года № ПП-5076. Этим нормативно-правовым документом с 1 сентября 2021 года внедрена система непрерывного *учебно-карьерного процесса в органах внутренних дел*, которая предусматривает обучение сотрудников, впервые назначенных на должности

рядового и офицерского составов ОВД до 3 месяцев, на основе учебных программ начальной профессиональной подготовки.

Одним из направлений деятельности Института повышения квалификации МВД Республики Узбекистан определенными данным постановлением является организация и проведение учебных курсов начальной профессиональной подготовки сотрудников органов внутренних дел с этого учебного года.

Основные задачи начальной профессиональной подготовки сотрудников органов внутренних дел заключаются в:

- подготовке квалифицированного личного состава для органов внутренних дел Республики Узбекистан;
- изучении нормативно-правовых актов и их применение на практике в профессиональной деятельности;
- недопущении правовой неграмотности среди сотрудников органов внутренних дел;
- формировании и совершенствовании правовых знаний, практических умений и профессиональных навыков в повседневной деятельности;
- формировании профессионального самосознания сотрудников органов внутренних дел, чувства долга и ответственности за свои поступки, готовности к постоянному совершенствованию своей квалифицированности и дальнейшему развитию личностно-профессиональных качеств;
- обеспечении профессиональной и личной безопасности при повседневном несении службы;
- поддержании у сотрудников органов внутренних дел готовности решительно и профессионально грамотно и также пресекать противоправные деяния, формировать и развивать практические навыки, сопряжённые с применением физической силы;
- постоянном повышении морально-психологической устойчивости сотрудников органов внутренних дел;
- повышении духовного и интеллектуального потенциала сотрудников органов внутренних дел на основе концептуальной идеи **«Преданно служить Родине и народу — наш высший долг!»**;
- повышении уважения и доверия народа к сотрудникам органов внутренних дел путем глубокого привития в их сознание такого почетного и священного долга, как служение интересам Родины и народа, чувства гордости за символы государства и органов внутренних дел, преданности присяге и строгого соблюдения законности при исполнении профессионального долга;

- формировании и дальнейшем усовершенствовании навыков овладения специальными техникой и средствами, эксплуатации транспортных средств и средств связи, стоящих на вооружении правоохранительной системы.

В последнее время одними из главных направлений деятельности МВД Республики Узбекистан в процессе начальной подготовки является формирование профессионально-нравственного облика сотрудника органов внутренних дел, развитие личностно-профессиональных качеств. И задачей процесса начальной профессиональной подготовки является подготовка за короткий срок профессионально грамотных сотрудников органов внутренних дел, которые по своим деловым и моральным качествам способны выполнять должностные обязанности в повседневной деятельности.

Организацию процесса профессиональной подготовки целесообразно осуществлять в соответствии нижеследующих принципах:

- сознательности – проявляется в осмысленном отношении сотрудников органов внутренних дел к усвоению знаний и приобретению профессиональных навыков. Предполагает наличие у сотрудников понимания целей и задач учебных занятий; осознания практической значимости приобретаемых знаний, умений и навыков; интереса к выбранной профессии и учебному материалу; оценки результатов своей учебной работы;

- активности – заключается в стремлении получать необходимые знания, умения и навыки. Важным условием является чёткая организация учебных занятий и интересное их проведение;

- устойчивости усвоения учебного материала и приобретения навыков. Результат достигается на практических занятиях за счёт многократного повторения упражнений;

- систематичности и последовательности – обеспечивается рациональным распределением учебного материала в рамках всего процесса начальной профессиональной подготовки, выделением в учебном материале важного и значимого;

- доступности – заключается в возрастании сложности изучаемого материала от простого к сложному, от известного к неизвестному;

- наглядности изучаемого материала на лекционных и практических занятиях. Способствует установлению связи теории с практикой и облегчает процесс приобретения необходимых знаний и навыков.

Процесс профессиональной подготовки – это фундамент, от качества которого зависит дальнейшее профессиональное становление сотрудников

органов внутренних дел, и это налагает особую ответственность на образовательный процесс. Процесс начальной профессиональной подготовки сотрудников органов внутренних дел является одним из наиболее важных в развитии личностно-профессиональных качеств, поскольку, именно на этом этапе закладывается основа дальнейшего овладения практическими навыками в профессиональной деятельности.

Начальная профессиональная подготовка должна состоять из предварительного, основного и заключительного этапов.

Предварительный этап начальной профессиональной подготовки должен включать в себя оценку исходных знаний сотрудников (исходного уровня развития личностно-профессиональных качеств, умений и навыков). Это позволит создать необходимые предпосылки для дальнейшего протекания учебного процесса в требуемом направлении.

Основной этап этой профессиональной подготовки включает в себя собственно первоначальную подготовку и характеризуется наибольшим объёмом и интенсивностью учебной деятельности в Институте повышения квалификации МВД Республики Узбекистан, что предъявляет высокие требования к уровню личностно-профессиональных качеств сотрудников органов внутренних дел в процессе начальной подготовки.

Процесс этой начальной подготовки заключается в получение сотрудниками органов внутренних дел фундаментальных знаний (изучение общепрофессиональных и профессионально-специализированных дисциплин), умений и навыков, требуемых для выполнения должностных обязанностей.

Заключительный этап профессиональной подготовки является итоговый контроль, на котором определяется уровень достигнутого развития личностно-профессиональных качеств сотрудников органов внутренних дел (уровень усвоения учебного материала, умения использовать полученные знания, навык и умения на практике).

В целях совершенствования учебного процесса и выявления недостатков допущенных при организации и проведения начальной профессиональной подготовки возникает необходимость осуществлять мониторинг динамики личностно-профессиональных качеств бывших слушателей, являющимися уже действующими сотрудниками органов внутренних дел в момент их непосредственной оперативно-служебной деятельности по месту прохождения службы в течение шести месяцев после окончания заключительного этапа.

В заключение можно сделать вывод о том, что профессиональная подготовки сотрудников органов внутренних дел – это принятая в системе МВД Республики Узбекистан форма обучения, направленная на приобретение сотрудниками органов внутренних дел фундаментальных знаний, умений и навыков для выполнения своих должностных обязанностей, в том числе, связанных с применением физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия, и занимает основополагающее место в структуре профессионального образования и является ключевым компонентом развития личностно-профессиональных качеств, от которых зависит специфика, характер и общая успешность будущей профессиональной деятельности сотрудника органов внутренних дел.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ички ишлар органлари ходимларининг бошланғич касбий тайёргарлигининг ташкилий-хуқуқий асослари ва уни ўтказишда педагогик хусусиятлари кўриб чиқилди. Шунингдек, мақолада ички ишлар органлари ходимларининг бошланғич касбий тайёргарлик жараёнини ташкил этишнинг муҳим вазифалари, тамойиллари ва босқичлари ўз аксини топган.

В статье рассматриваются организационно-правовая основа и педагогические особенности начальной профессиональной подготовки сотрудников органов внутренних дел. Также в статье отражены основные задачи, принципы и этапы организации процесса начальной профессиональной подготовки сотрудников органов внутренних дел.

The article discusses the organizational and legal basis and pedagogical features of the initial professional training of employees of the internal affairs bodies of the Republic of Uzbekistan. The article also reflects the main tasks, principles and stages of the organization of the process of initial professional training of employees of internal affairs bodies.

**Сайфиддин ЗАЙНУТДИНОВ,
институт профессори, и.ф.д.,
Зокир УМАРОВ,**

махсус касбий фанлар кафедраси доценти, и.ф.н., полковник

**ВАТАНПАРВАРЛИК – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ**

*Жамият ҳаётининг танаси
иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва
руҳи маънавиятдир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ватанпарварлик ҳамма даврларда жамият тараққиёти ва ривожланишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи масалалардан ҳисобланиб келинган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «ватанпарварлик» тушунчасига ватанпарварларга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат деган маъно, «ватанпарвар» тушунчасига эса ўз Ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, Ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи⁶ деган маъно берилган. Демак, ватанпарварлик тушунчаси бу шахсларга, инсонларга хос бўлган фазилатдир, яъни, ушбу беғараз фазилатга эга бўлган инсонлар она юрти, халқи, тарихи, маданияти, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиш, дахлдорлик ҳисси билан яшашга қодир бўладилар. Бу борада ўзбек халқининг улуг шоири, ҳазрат Алишер Навоий «Ҳайрат-ул аброр» достонида келтирилган, «*Нафъинг агар халққа бешакдурур, Билки, бу нафъ ўзунга кўпроқдурур*», байти орқали кишиларни саховатпарварликка, эл-улус манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйишга, фидойиликка даъват этади.

Ҳозирги пайтда янги Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимига фаол кириб боришида очик иқтисодиётнинг шаклланиши ва унинг ривожланиши учун бозор иқтисодиётига йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар дастурини амалга оширмақда. Ушбу жараёнда миллий иқтисодиётнинг турли ички ва ташқи таҳдидларга бардошлилиги ҳамда иқтисодий хавфсизликни

⁶ https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/ O‘zbek tilining izohli lug‘ati.pdf.

таъминлаш, унинг жаҳон иқтисодий тизимида рақобатбардошлигини ошириш долзарб масалалардандир.

Иқтисодий хавфсизлик миллий иқтисодиётнинг самарали, динамик ўсиши, унинг жамият, давлат, шахс эҳтиёжларини қондириши, ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминловчи, турли таҳдид ва йўқотишлардан қафолатловчи ички ва ташқи шароитлар йиғиндиси деб таърифлаш мумкин. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш орқали амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш ва аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иқтисодий маданиятини ошириш бўйича янги, қўшимча мажбуриятларни келтириб чиқаради. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев: *“Ўз Ватанини, она халқини равнақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир”*, дея таъкидлаган эди.

Давлат ўз миллий иқтисодиётида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун уларни чет эл рақобатидан ҳимоя қилишда протекционизм сиёсатини юритишдан ташқари ҳар бир фуқарода товар ва хизматларнинг истеъмолчиси сифатида ватанпарварлик хислатларини шакллантириш орқали ҳам ҳимоя қилиши мумкин. Демак, ватанпарварлик нафақат ўз Ватанини уруш даврида душмандан ҳимоя қилиш, балки бугунги глобаллашув даврида иқтисодий фаолиятда ватанпарварлик, бу аввало, ҳар бир фуқарони ўз мамлакатининг ривожланиши, фаровонлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий-иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги меҳнатидан иборат.

Ватанпарварлик ва иқтисодиёт алоҳида-алоҳида тушунчалардир, лекин ушбу сўзлар ягона мақсад сари бирлашади, яъни жамиятда инсонларнинг фаровон ҳаёт кечирishiлари, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, демак инсонларга муносиб турмуш шароитларини яратишда юқоридаги икки сўзнинг бирикмасидан ташкил топган иқтисодий ватанпарварликнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Иқтисодий ватанпарварлик тушунчасига турли манбаларда иқтисодий фаолият турларини ўз мамлакатининг гуллаб-яшнашига, аҳолини қўллаб-қувватлашга йўналтириш сифатида қаралади.

Иқтисодий ватанпарварлик турли шаклларда:

– *маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларга устунлик беришда;*

– фуқароларни, биринчи навбатда, ўз мамлакати фуқароларини иш билан таъминлашда;

– иқтисодий фаолият жараёнида табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишда;

– мамлакат иқтисодиётига зарурий инвестиция киритишда;

– ўз мамлакатини мустаҳкамлаш учун меҳнат қилиш мақсадида бошқа мамлакатларга кўчиб ўтишни рад этишда ;

– мамлакат миллий бойлигини кўз қорачигидай асраш ҳамда иқтисодий, мулкий жиноятчиликка йўл бермасликда намоён бўлади.

Маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларга устунлик бериш:

ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириш, миллий товарларга кишиларда фахрланиш ҳиссини уйғотиш;

миллий товарларнинг эса сифатли ва харидоргир бўлишини таъминлаш;

маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларга устунлик беришни қисқача қилиб истеъмол ватанпарварлиги дея аташимиз мумкинлиги назарда тутилади.

Истеъмол ватанпарварлиги (иқтисодий ватанпарварлик) – бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни товар ва хизматларини харид қилиш орқали қўллаб-қувватлаш тушунилади.

Иқтисодий ватанпарварликда шунга эътибор қаратишимиз керакки, биз истеъмолчи сифатида харид қиладиган ҳар қандай товар ва хизматлардан фойдаланиш орқали уни ишлаб чиқарувчи корхона ва ўша давлат иқтисодиётини қўллаб-қувватлаган бўламиз. Аксинча, мамлакатимиз ҳудудида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни харид қилиш орқали биз миллий ишлаб чиқарувчиларни, миллий иқтисодиётни, хусусан миллий иқтисодиётда банд бўлган иш ўринларини ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатлари ва миқдорлари қай даражада эканлиги ҳамда давлат бюджетига тушадиган тушумларни қўллаб-қувватлашда ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Фуқароларни, биринчи навбатда, ўз мамлакати фуқароларини иш билан таъминлаш. Мамлакат ҳудудида фаолият олиб бораётган барча турдаги иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек давлат ташкилотлари ишга қабул қилишда биринчи навбатда мамлакат фуқароларини қабул қилишлари лозим. Бу орқали

мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг олдини олишда ўз ҳиссаларини қўшган ҳисобланадилар.

Иқтисодий фаолият жараёнида табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Мамлакатда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаро, шунингдек юридик шахслар ҳам табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши табиат иномларини асраб-авайлашлари лозим. Чунки яшаб турган жойларимиз, ён-атрофни тоза-озода тутиш, сувни ифлос қилмаслик, табиатга зарар етказмаслик нафақат қонунларимизда, балки динда ҳам тақиқланганини кўришимиз мумкин.

Мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритиш. Иқтисодий қонунларга кўра пул маблағлари бўш туриши мақсадга мувофиқ эмас. Яъни, пул ҳар доим ҳаракатда бўлиши ва пул топиши керак. Шунинг учун ҳар бир фуқаро пул маблағларини мамлакат иқтисодиёти соҳаларига улуш сифатида киритиш ёки бўлмаса омонат сифатида банкларга жойлаштириш орқали ҳам мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритилишида ҳисса қўшган ҳисобланади. Чунки, банкларда омонатлар орқали шакллантирилган маблағлар иқтисодиётнинг бирон бир соҳасига йўналтирилади. Бу эса мамлакат иқтисодий ривожига хизмат қилади.

Биз ватанпарвар деганда, кўз ўнгимизда ўзи туғилиб ўсган ҳудудини ҳимоя қилишда, ўз жонини аямасдан Ватан ҳимоясига отланган, ҳеч нарсадан кўркмайдиган Широқ, Тўмарис, Нажмиддин Қубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Темур Малик каби мард, жасур инсонлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Бироқ яқин ўтмишда глобаллашувнинг салбий жиҳатларидан бўлмиш иқтисодий инқироз натижасида Жанубий Корея фуқаролари иқтисодий ватанпарварлик борасида бошқа давлат фуқаролари учун ўрناق бўладиган иш қилишган!?

1990 йилларнинг охирида дунё бўйлаб иқтисодий инқироз юзага келди. Ўшанда инқироз Жанубий-Шарқий Осиёдаги бир қатор мамлакатлар қатори Жанубий Кореяни ҳам четлаб ўтмади. Мамлакатда олтин ва валюта захиралари камайиб, чет эл валюталарининг нархи тез ошиб кетаверди. Шунда мамлакат президенти ўз халқидан ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Ўша мурожаатдан кейин жанубий корейликлар қўлларидаги ортиқча валюта ва тилла буюмларни олиб бориб банкка топшира бошладилар. Албатта, ўша валюта ва тиллалар шунчаки ёрдам сифатида эмас, қарз сифатида олинди. Жанубий Корея аҳолиси ўз ҳукуматига ишонди. Ҳукумат ҳам уларнинг ишончини оқлади ва мамлакат иқтисодий инқироздан чиқиб олганидан

кейин тилла ва валюталар аҳолига фойдаси билан қайтариб берилди.⁷ Ўша даврда аҳоли ўзларига тегишли тилла буюмларини давлатга топшириш жараёни тўрт ой давом этган ва умумий қиймати 2,13 миллиард АҚШ долларидан иборат жами 227 тонна атрофидаги тилла буюмларни топширганлар.⁸

Барчамиз Япония ва Жанубий Корея мамлакатларида иқтисодий ва молиявий инқироз шароитларида аҳолининг ўз ташаббуси ва имкониятларидан келиб чиқиб, ортиқча жамғармалари ва бойликлари ҳисобидан ўз давлатини қўллаб-қувватлашини юксак ватанпарварлик намунаси сифатида эътироф этамиз. Зеро, давлат доимо ўз халқини ўйлаши, уни оғир шароитлардан фаровон кунларга етказганлигига шукроналик тарзида, мураккаб шароитларда давлатни қўллаб-қувватлаш – олий бурчдек қаралиши Шарқ халқларига хос⁹, албатта.

Ўз мамлакатини мустақамлаш учун меҳнат қилиш мақсадида бошқа мамлакатларга кўчиб ўтишни рад этиш. Бугун Ер юзидаги айрим давлатлар умуман табиий ресурсларга эга бўлмаса-да, инсон капитали орқали энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олган. Бу борада мамлакатимизда бугунги кунда аҳолининг 54 фоизини ёшлар ва болалар ташкил этиши катта имкониятлардан далолат беради. Бутун дунёда ёшлар ҳар бир давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий бойлиги, сайёраимизда фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлиши учун янги ғоялар ва ижодий руҳдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган беқиёс куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам БМТнинг Ёшлар стратегиясида: *“Ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужассам топган бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади”*, деб таъкидланади. Янги Ўзбекистон – обод ва фаровон, демократик мамлакатимизни барпо этишда ёшларимизнинг алоҳида ўрни бор. Улар ўз ватанпарварликлари, билимлари ва малакаси, ғайрат-шижоатлари, ташаббускорликлари билан Учинчи Ренессанс ижодкорлари эканликларини намоён этишга қодирлар.

⁷ <https://xabar.uz/mualliflar/gayrat-yoldosh/agar-koreyada-bolganida-yoki-vatanparvarlik-haqida>.

⁸ <https://tjournal.ru/stories/340314-v-dolgovoy-yame-kak-yuzhnaya-koreya-perezhila-aziatskiyfinansovyy-krizis-i-pogasila-gosdolg-zolotymi-ukrasheniyami-grazhdan>.

⁹ <https://review.uz/oz/post/tashqi-qarz-borasida-oylarimiz>.

Мамлакатимизда 2021 йилни “**Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**” деб эълон қилиниши ва янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ҳамда салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Биргина 2021 йилнинг биринчи ярмида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар дастурлари» асосида 430 минг нафар йигит-қизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар, қишлоқ жойларда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун 61 минг гектар ер майдони ажратилгани бу борадаги ишларнинг кўлами кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз давлат томонидан жамият учун етук мутахассис кадрлар тайёрлаш буюртмачиси ҳисобланади. Жумладан, Конституциямизда бепул умумий ўрта таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган. Бу борада давлат томонидан таълим соҳаси учун ҳар йили бюджетдан катта миқдорда маблағлар ажратилади. Лекин, давлат жамият учун етук мутахассис кадр тайёрлаш учун бир неча йил катта миқдорларда маблағ сарфлаб уни ўқитади, ижтимоий ҳимоя қилади, тарбиялайди. Лекин давлат ҳисобига таълим олиб, сўнгра унинг натижасини ўзининг туғилиб ўсган, таълим берган Ватанининг ривожланишига ҳисса қўшса, бошқа бир мамлакатга бориб меҳнат қилишни рад қилса – иқтисодий ватанпарварликка намуна бўлади.

Ҳар бир инсон Ватанни ўйлаб, унинг тараққиёти, ёруғ келажаги йўлида меҳнат қилса, курашса, ватанпарварлик амалий фаолиятга айланади. Буни соҳалар кесимида кўрадиган бўлсак, тадбиркорлик фаолияти соҳасида тадбиркорнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилган. Тадбиркор фойданинг изидан қувиш орқали Адам Смитнинг «кўринмас қўл» назариясида асослантилганидай, беихтиёр равишда жамият манфаати, ривожу учун хизмат қила бошлайди. Жумладан, тадбиркор ўзини бойитиш мақсадида ҳаракат қилиб янги иш ўринлари яратади, бозорга янги товар ва хизматлар чиқаради, давлатга тўлайдиган солиқ ҳажми ҳам кўпаяди ва

бошқа бир қатор жамият ривожига ҳисса қўшадиган ишларни амалга оширади.

Мамлакат миллий бойлигини кўз қорачигидай асраида иқтисодий, мулкӣ жиноятчиликка йўл бермаслик. Биз ҳар бир фуқарода иқтисодий ватанпарварлик тушунчалари, туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатимизда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисми учинчи бўлимидаги иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар шулар жумласидандир. Бобомиз буюк Амир Темур ҳам хавфсизлик масаласига давлат фуқаролар ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаши зарур, деган тамойил асосида ёндашган ва Тузукларида бу тўғрисида ўз ҳукмларини баён қилган. Хусусан: *“Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинласинлар, улар сипоҳу-раиятга соқчилик қилсин ва кимнинг бирон нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин. Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин”*, деб таъкидлайди. Демак, Соҳибқирон даврига келиб, хавфсизлик тушунчаси фуқаролар ва мамлакатга келган, ундан транзит ўтувчи йўловчилар тинчлиги, омонлиги, мулки ҳамда бошқа ашёларнинг сақланиши каби қатъий мезонлар билан белгиланган.

Шундай қилиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев: *“Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси”*, дея таъкидлаган эди. Ички ишлар органлари ходимлари 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишини амалга оширишда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши ҳамда халқ фаровонлиги, турмуш даражасининг юксалишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Дарвоқе, айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, айниқса, ички ишлар органлари ходимларида иқтисодий ватанпарварликнинг шаклланиши ва тараққиёти иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим омиллари ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада иқтисодий ватанпарварликнинг моҳияти, намоён бўлиш шакллари, аҳамияти ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш омиллари ҳамда маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашнинг роли каби масалалар таҳлил этилган.

В статье анализируются такие вопросы: сущность экономического патриотизма и факторы в обеспечении экономической безопасности страны, а также значение поддержки производителей продукции местного производства.

The article analyzes issues such as the essence of economic patriotism, forms of its invisibility, the essence and factors of economic patriotism in ensuring the economic security of the country, as well as the importance of supporting producers of locally produced products.



Меҳмонали СУВОНҚУЛОВ,
юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., доц.

**ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ**

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарорлар, олдимизда турган долзарб тадбирлар мамлакат ва халқимизнинг келгусида асрлар давомида ривожланишига мустақкам асос бўлиши, шубҳасиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: *“Бугунги мураккаб шароитда юртимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташилаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт”*¹⁰.

Миллий тараққиёт йўлимизни таҳлил қилар эканмиз, кейинги олти йил ичида мамлакатимиз ҳаётининг муҳим жабҳаларида – сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий ва бошқа соҳаларда жуда катта, айтиш жоизки, инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди ва бу жараён тизимли равишда давом этмоқда. Хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш демократик ислоҳотларнинг муҳим омили ва давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: *“инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради”*. Шу маънода, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда *“Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик”* тамойили асосида амалга оширилмоқда¹¹.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олганлиги ҳамда демократик тамойилларга, айниқса инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этилганлигини БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактни, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактни,

¹⁰ М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов. Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс остонасида. – Т:“Zamin nashr”,2021, 36-б.

¹¹ Фулом Мирзо. Учинчи Ренессанс ва инсон ҳуқуқлари. –Т: “Niso Poligraf”, 2021, 16-б.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча биринчи Факультатив протоколни ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча иккинчи Факультатив протоколнинг ратификация қилинганлиги ҳамда ушбу халқаро ҳуқуқ нормалари асосида миллий қонунчилик ҳужжатларимиз яратилаётганлигида амалий исбот сифатида кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб бориш мақсадида 2020 йил 22 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”*ги ПФ-6012-сон Фармони қабул қилинди. Бу Фармон билан *“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”*, *“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»*, *“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом”* тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги имижини ва обрўсини янада мустаҳкамланишига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеини яхшиланишига хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та Факультатив протокоliga қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам

равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда¹². Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегияси** доирасида Конституцияда кафолатланган фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган 300 дан ортиқ (шундан 80 таси мутлақо янги), Президентимизнинг 2000 га яқин Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 3000 дан ортиқ Қарори қабул қилинди.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, шунингдек очик, изчил ва прагматик ташқи сиёсат мамлакатимиз халқаро имижининг жадал ўсишига хизмат қилмоқда.

Халқаро имиж – Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги кўрсаткичлари мажмуасидан иборат. Бош Қомусимизнинг 17-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир.

Халқаро бизнес ва инвесторлар олдида мамлакатнинг жозибадорлигини оширишда унинг халқаро доирадаги обрў-эътиборини яхшилаш ўтган йилларга нисбатан шаклланган баъзи салбий фикрлардан халос бўлиш муҳим омил ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий соҳада эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процессуал меъёрларни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва мавқеи юксалишига олиб келмоқда. Амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон “Иқтисодий эркинлик индекси”да 44-ўринга, “Логистика самарадорлиги индекси”да 19-ўринга кўтарилди.

Янги таҳрирдаги «**Ташқи сиёсий фаолият концепция**»сининг асосий мақсад ва вазифаларининг асосий негизида Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ишончли ва масъулиятли шерик сифатидаги ижобий имижини шакллантириш ва сақлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва илғор технологияларни жалб қилиш, миллий товарлар ва хизматларни жаҳон бозорларида тарғиб этиш, яъни мамлакатга сайёҳлар

¹² <https://lex.uz/docs/4872355>.

оқимининг кўпайиши учун қулай ташқи сиёсий шароитлар яратиш каби долзарб вазифалар туриши бежиз эмас, албатта.

Мазкур янги ташқи прагматик сиёсат концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш учун давлатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар, айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилинганлиги ва улардаги талабларга риоя қилинаётганлиги халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2020 йил 13 октябрда Ўзбекистон жаҳон тарихида биринчи марта уч йиллик муддатга, яъни 2021-2023 йилларга БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу сайловларда Ўзбекистон энг кўп овоз олди – БМТга аъзо 193 давлатдан 169 таси мамлакатимизни ёқлаб овоз берди.

Муҳтарам Президентимиз 2021 йил 22 февраль куни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Юқори даражадаги сегменти ишида кенгаш аъзоси сифатида биринчи мартаба иштирок этди ва сўзга чиқди ҳамда ўз нутқида мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган ислохотлар хусусида гапириб ўтди. Ҳақиқатан ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмунини ташкил этади:

Биринчидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда инсон ҳуқуқларининг алоҳида ўринга эгаллиги, хусусан мамлакатимизда муҳим сиёсий қарорлар фуқароларнинг мурожаат ва фикрларини ўрганган ҳолда таҳлил қилинган, қабул қилина бошланди. *“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”*, тамойили асосида ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислох қилинди.

Иккинчидан, мамлакатимизда гендер сиёсати масалалари борасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттириш йўлга қўйилди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш масаласига катта эътибор қаратила бошланди. Ҳақиқатан ҳам, Олий Мажлисга бўлиб ўтган сўнгги сайловлар натижасида биринчи мартаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл депутатлар сайлангани, сенат аъзоларининг қарийб 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши

натижасида дунёдаги 190 парламента ичида Ўзбекистон парламентининг 37-ўринга кўтарилишини таъминлади.

2019 йил сентябрь ойида 2 та муҳим қонун – “*Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида*”ги ва “*Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида*”ги қонунлари қабул қилинди. 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар ўқишга қабул қилинди, 2021 йил май ойида бўлиб ўтган Сенатнинг XV ялпи йиғилишида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ўрганиш жараёнида 433 мингга яқин хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилди ва бугунги кунда улардан 80 минг 175 нафарининг муаммолари ўрнатилган тартибда ҳал этилди. 30 ёшдан юқори бўлган 11 минг нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан 1 трлн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилишида кўмаклашилди. 1 минг 246 нафар хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун 21 млрд. 746 млн. сўм миқдорда бошланғич бадаллар тўлаб берилди. Жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 42 нафар хотин-қиз кафиликка олинди ва муддатидан олдин жазодан озод этилди¹³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “*2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида*”ги ПФ-60-сон Фармонида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида банд (69-мақсад) ажратилганлигининг ўзиёқ мамлакатимизда хотин-қизларимизга нечоғлик даражада эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

2022 йил 1 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга

¹³ Г.Маъруфова. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – ислохотларнинг бош мезони. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали, 2-сон. –Т., 2021 й., 18-19-б.

қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқида: 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлганлиги, 190 минг нафар аёллар касб-ҳунарга ўқитилганлиги, “Аёллар дафтари” тизими доирасида 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилганлиги, 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилганлиги, 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олийгоҳларга қабул қилинганлиги, яна 1 минг 800 нафарига контрактлари тўлаб берилганлиги, натижада 2021 йилда олийгоҳларга кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этганлиги (2016 йилда бу кўрсаткич 38 фоиз бўлган), 1 минг 153 нафар аёлга юқори технологик тиббий операциялар бепул ўтказилганлигини қайд этиб ўтган.

Шунингдек, Президентимиз томонидан 2022 йилда эса хотин-қизларга жуда катта имтиёзлар берилганлиги, жумладан, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, магистратурада ўқиётган 23 минг нафар қизларнинг контракт пули тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши, бунинг учун бюджетдан 200 млрд. сўм ажратилиши, 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан кафолатли тўлаб берилиши, эҳтиёжманд ёлғиз аёллар фарзандлари учун давлат боғчалари тўловлари бюджетдан қоплаб берилиши, айни пайтда аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ОТМларда хотин-қиз талабалар улуши ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказилиши, бунинг учун ҳар йили хотин-қизларнинг талаба бўлишига квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилиши ва бошқа имтиёзлар таъкидлаб ўтилди¹⁴.

Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ва имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Жаҳон банкининг янги ҳисоботида Ўзбекистондаги ногиронлиги бўлган шахслар дуч келаётган кўплаб муаммолар ноқулай инфратузилма ва саволларни туғдирадиган статистика тизими ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг расман эълон қилинган сони аҳолининг 2,1 фоизини ташкил қилади, 2019 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича

¹⁴ <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-raisligida-xotin-qizlarni-qollab-quvvatlashga-bagishlangan-yigilishda-ayollar-uchun-qanday-engilliklar-kiritildi>.

Ўзбекистонда 693,9 минг нафар ногиронлиги бўлган шахс пенсия ва ижтимоий нафақа олган, аммо халқаро экспертларнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мамлакат аҳолисининг 3 ёш ва ундан катта ёшдаги қарийб 13,5 фоизи ногиронликнинг қайсидир шаклига, 3,5 фоизи эса оғир ногиронликка эга бўлиши мумкин. Ногирон болалар ва катталарнинг 25 фоизи зарур тиббий хизматларни олмайдилар, ногиронлик аравачасига муҳтож бўлган шахсларнинг атиги 26,9 фоизи улардан фойдаланган, респондентларнинг 21,5 фоизи бу воситалардан фойдаланишга имконияти бўлгани холда, уларнинг атиги 2,8 фоизи тегишли давлат муассасаларидан ушбу воситаларни олганлар.

Тошкент шаҳридаги бинолар ва ижтимоий инфратузилмаларнинг 85 фоизи ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилмаган, гарчи бу ерда қарийб 70 мингта ушбу тоифадаги фуқаролар истиқомат қилади, пойтахтдаги жамоат транспорти ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайлик мезонларига жавоб бермайди, бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаровонлиги учун жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга эга. Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларда имконияти чекланган болаларга қулай инфратузилмалар ва ҳожатхоналар, ўқув жараёни учун зарур бўлган мосламалар, малакали кадрлар мавжуд эмас. Мисол учун, сурдо-таржимонлар, кўзи ожизлар учун Брайл алифбосидаги дарсликлар, таълим олиш имконияти чекланган ва эшитиш қобилияти паст болалар учун ўқитувчилар ва репетиторларга эҳтиёж мавжуд. Ногиронлиги бўлган одамларнинг иш топиш имконияти ногиронлиги бўлмаганларга қараганда тахминан тўрт баравар кам. 2019 йилда 16–59 ёшдаги ногиронлиги бўлган эркакларнинг атиги 8,9 фоизи ва 16–54 ёшдаги ногиронлиги бўлган аёлларнинг атиги 4,4 фоизи расман иш билан таъминланган, бу эса ногиронлиги бўлганларнинг атиги 7,1 фоизидир. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич ундан ҳам паст, яъни 5,8 фоиз бўлган¹⁵.

Юқорида қайд этилган салбий ҳолатларни бартараф этиш ва мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш бўйича зарурат кенг кўламли иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватловчи миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинди.

¹⁵<https://review.uz/oz/post/vsemirny-bank-proanaliziroval-problem-s-kotormi-stalkivayutsya-lyudi-s-invalidnostyu-v-uzbekistane>.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида Президентимиз нутқининг амалий исботи сифатида 2021 йил 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида қонун қабул қилинганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Демак, ушбу қонун орқали Ўзбекистон Республикаси ногиронлиги бўлган шахслар ўз ҳаётининг барча соҳаларида бошқалар билан тенг равишда ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини тан олди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Парламентининг 15.10.2020 йил куни “**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида**”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.02.2022 йилдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кўшимча қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-74-сон Фармони, 09.08.2021 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5217-сон ва 21.12.2021 йилдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сон Қарорлари шулар жумласидандир.

Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахсларга яратилган шароитлар етарли даражада бўлмаса-да, аммо улар ўзларининг матонатлари билан мамлакатимиз обрўсини дунё ареналарида юқорига кўтармоқда. Жумладан, 2021 йилги Паралимпия мусобақаси 24 августдан 5 сентябргача Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик паралимпиячилар юксак матонат ва маҳорат кўрсатиб, 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлишди. Яна бир эътиборли томони, 19 та медалнинг 11 тасини спортчи қизларимиз қўлга киритди. Умумий ҳисобда мамлакатимиз терма жамоаси 160 дан зиёд давлатлар ўртасида ўн олтинчи, Осиё қитъаси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида тўртинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади¹⁶.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда охириги йилларда диний эркинликни таъминлаш борасида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан у ёки бу даражада экстремистик гуруҳларга алоқадор деб ҳисобланган 20 мингдан зиёд фуқаролар

¹⁶ <https://yuz.uz/news/paralimpiyachilar-galabasi--katta-jasorat-va-qahramonlik-namunasi>.

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг “махсус рўйхати”дан чиқарилди, бундай “рўйхатлар”ни юритиш амалиёти тугатилди. Бундан ташқари, сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда 16 марта афв эълон қилиниб, 4965 нафар шахс кечирилган¹⁷.

Ўзбекистон ўз фуқароларини 2019 йилда биринчи марта Яқин Шарқдаги можароли ҳудудлардан қайтарди. Хусусан, “Меҳр – 1,2,3, ва 4” операциялари давомида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволда қолган 438 нафар хотин-қизлар ва болалар Ўзбекистонга қайтарилди. 2021 йил апрель ойида “Меҳр – 5” операцияси доирасида Суриядаги қочқинлар лагерларидан 93 киши, жумладан 24 нафар аёл, 69 нафар бола ва 7 нафар етим бола олиб келинди. Бу ишлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик асосида амалга оширилган. Бундан ташқари, “Жаслык” колониясининг ёпилиши Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларига содиқ эканлигини исботловчи энг муҳим дадил қадамларидан биридир.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасида жами **2276 та** диний ташкилот ва **16 та** диний конфессия фаолият юритиб келмоқда. Шулардан **2093** таси мусулмон ташкилоти, **166 та** христиан ташкилоти, **8 та** яҳудий жамоаси, **6 та** Баҳойлик жамияти, **1 та** кришначилар жамияти ва **1 та** будда ибодатхонаси, шунингдек Ўзбекистон конфессиялараро Библия жамияти ҳам фаолият кўрсатмоқда.

2019 йилда Ўзбекистонда **10 та** янги жоме масжид очилди, натижада масжидларнинг умумий сони **2066** тага етди. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида **46 та** жоме масжид биноси бутунлай қайтадан бунёд этилиб, **225 та** масжид капитал таъмирдан чиқарилди. 2018 йилда эса Республикада **13 та** жоме масжиди қайта очилди, **39** таси янги қурилди ва қарийб **100** таси қайта таъмирланди.

Ўзбекистонда Тошкент Ислон университети, “Мир Араб” олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, 9 та мадраса, жумладан, 2 та ихтисослаштирилган хотин-қизлар ўқув юрти, Тошкент православ семинарияси, Тошкент христиан семинарияси каби диний таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. 2020–2021 ўқув йилидан бошлаб Термиз шаҳрида янги мадраса очилди.

Таъкидлашимиз жоизки, мустақиллик йилларида **308 минг** нафар мусулмон Саудия Арабистонига зиёрат учун борган бўлса, шулардан 130 минг киши “Ҳаж”, 178 минг киши эса “Умра” амалини бажаришга муваффақ бўлган.

¹⁷ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/28/afv/>.

2,5 минг христиан ва яҳудийлар Исроил, Россия, Туркия, Италия, Грузия ва Юнонистон каби давлатларнинг муқаддас диний қадамжоларига ташриф буюрганлар. Айниқса, 2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон фуқаролари учун “Умра” зиёратлари квотаси бекор қилинди. 2018 йилдан бошлаб “Умра” сафари квотаси 6 000 дан 10 000 га оширилди. Бугунги кунга келиб, “Умра” қилувчи фуқаролар сони 30 000 га етди, “Ҳаж” эса 5000 дан 7.200 га кўпайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашиш чоратадбирларини амалга оширишдаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор аҳоли ўртасида профилактика ва тушунтириш ишларига қаратилди. Ушбу соҳада амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар **“жаҳолатга қарши маърифат”** деган эзгу ғояга асосланган.

2018 йилнинг сентябрь ойида террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳларга адашиб аъзо бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби тасдиқланди. Илгари тўғри йўлдан адашган ва ўз ҳатти-ҳаракатларига чин дилдан пушаймон бўлган фуқароларга маънавий-ахлоқий бурчларини адо этиш учун жамиятга ва ўз оилаларига қайтиш имкониятини бермоқда. Диний экстремистик оқимларга алоқадор шахсларни реабилитация қилишнинг муҳим қадамларидан бири, бу уларга нисбатан авф этиш актларини қўллаш бўлди¹⁸.

Мамлакатимизда мазкур ижобий ислохотлар натижасида 2005 йилдан бери биринчи марта АҚШ диний эркинликлар бўйича комиссияси (USCIRF) Ўзбекистонни фуқароларнинг диний эркинликлари бузилган давлатлар рўйхатидан олиб ташлади.

Ўзбекистон Республикасида *“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”*ги конвенция талабларини бажариш бўйича *“Cotton Campaign”* – инсон ва меҳнат ҳуқуқлари, масъул инвесторлар ва бизнес ташкилотларининг глобал коалицияси ва унинг етакчи ҳамкори бўлган **“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбек форуми”** томонидан 2021 йилда пахта теримида ўтказилган мустақил мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида болаларнинг, умуман олганда Ҳукумат томонидан *ташқил қилинадиган шахсларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш ҳолатлари қайд этилмаганлиги боис, 2022 йилда Ўзбекистон пахтасига эълон қилинган бойкот бекор қилинди.*

¹⁸ <https://strategy.uz/index.php?news=1014>.

Бу тарихий ютуққа юртимизнинг фуқаролик жамияти фаоллари, халқаро ҳуқуқ химоячилари ва халқаро брендларнинг биргаликдаги кўп йиллик фаолияти ҳамда Ўзбекистон Ҳукуматининг мажбурий меҳнатга барҳам беришга қаратилган қатъияти натижасида эришилди. Жумладан, 2021 йил 14 октябрь куни Жаҳон одил судлов лойиҳаси (World Justice Project) ташкилоти томонидан эълон қилинган Ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2021 йилги нашрида Ўзбекистон 14-поғона юқорилади, яъни 139 давлатлар ичида 85-ўринни эгаллади¹⁹.

Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ҳозирги пайтда БМТ Тараққиёт дастурининг “Инсон камолоти” индексида 106-ўринни, Жаҳон банкининг бошқарув сифати индикаторларининг сиёсий барқарорлик ва зўравонлик йўқлиги субиндикатори бўйича 136-ўринни, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индексининг асосий ҳуқуқларини таъминлаганлиги индикатори бўйича эса 110-ўринни эгаллаб турганлигини улкан ижобий ҳодиса, дейиш мумкин.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим омили инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлиги халқимизнинг улкан ютуғи ҳисобланади. Муҳим омил мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар бўлиши табиий албатта, аммо янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Дастури асосида албатта инсон манфаатларининг устунлигига эришамиз ҳамда давлатимиз демократик ислоҳотлар бош мезонига айланаверади.

¹⁹ <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonning-khalqaro-rejting-va-indekslardagi-ornini-yakhshilashda-parlament-qandaj-jol-tutadi>

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормаларнинг устуворлигини таъминлаш амалиёти тизимли равишда таҳлил этилган.

В статье системно анализируются проводимые в Республике Узбекистан реформы в области защиты прав и свобод человека, также практика обеспечения приоритета международных норм в области прав человека.

The article systematically analyzes the ongoing reforms in the Republic of Uzbekistan in the field of protection of human rights and freedoms and the practice of ensuring the priority of international norms in the field of human rights.



**Адхам КАБИРОВ,
махсус касбий фанлар кафедраси ўқитувчиси, подполковник**

ОДАМ САВДОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ҲОДИСАСИ ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ

Одам савдоси илллати жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган XXI асрнинг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Очигини айтганда, меҳнат миграцияси ҳамда ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланувчи жиноятчи гуруҳлар учун ўз қабих ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бериш воситасига айланмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, дунёда 21 миллиондан ортиқ фуқаро мажбурий меҳнатнинг жабрланувчилари ҳисобланади. Жаҳонда деярли кўплаб мамлакатлар одам савдосидан жабрланишади. БМТ маълумотига кўра, одам савдоси қурбонларининг 71 фоизини аёллар ҳамда болалар ташкил этади.

2010 йил 30 июлда БМТ Бош Ассамблеясининг 64/293-резолуцияси билан “*Одам савдосига қарши курашиш бўйича БМТнинг Глобал ҳаракат дастури*”да ушбу жиноятнинг олдини олиш, жабрдийдаларнинг химояси, жиноятчиларни таъқиб этиш ва барча йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган. 2013 йилдан эътиборан, БМТ томонидан ҳар йили 30 июль санаси *Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни* деб эълон қилинган.

Ҳозирги пайтда долзарб масалалардан ҳисобланган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу иллат билан курашишда нафақат давлат органлари, шу жумладан, нодавлат ноижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотлар ҳам манзилли ишларни амалга оширмоқда.

Дарвоқе, кўплаб халқаро ҳужжатларда назарда тутилган нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан одам савдосига қарши курашиш бўйича ўттиздан ортиқ икки томонлама шартнома ва битимлар имзоланган. 2008 йилда “*Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида*”ги қонун, биринчи Президентнинг 2008 йил 8 июлдаги “*Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида*”ги қарори, 2019 йил 30 июлда хурматли Шавкат Миромоновичнинг “*Одам савдосига ва*

мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-633-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизimini тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сонли Қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо булар бизнингча етарли эмас. Шу боис, Ўзбекистонда одам савдоси, хусусан, унинг трансмиллий кўринишларига қарши қатъий чоралар қабул қилинмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бўйича ҳақиқатни аниқлашда ҳодиса жойини кўздан кечириш марказий ўрин тутди ҳамда жиноятларнинг “иссиқ изи”дан очилиши ва самарали тергов қилиниши айнан ушбу процессуал ҳаракатнинг қандай даражада ўтказилишига бевосита боғлиқ бўлади. Энг аввало, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида хабар келиб тушганда, ҳодиса жойига зудлик билан ҳудудий ИИО навбатчилик қисми томонидан яқин ҳудудда хизмат қилувчи ЖХХ ва ППХ ходимлари, профилактика инспекторлари ва тезкор-тергов гуруҳи ходимлари жўнатилади. Қисқа вақт ичида етиб келган ходимлар томонидан ҳодиса жойига бегона одамларнинг кириши ва изларнинг йўқолиши ёки чалғитувчи излар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида ҳодиса жойи ўраб олиниб, дахлсизлиги таъминланади.

Демак, ҳодиса жойини кўздан кечиришда қатнашувчи ходимлар ҳодиса жойига зудлик билан етиб келишлари ва кўздан кечиришни кечиктирмасдан бошлашлари, ҳодиса жойидаги барча предмет ва изларни тўлиқ топиш, тадқиқ қилиш ҳамда қайд этиш гаров шарти ҳисобланади. Воқеа жойини кўздан кечириш давомида тезкор-тергов гуруҳи таркибидаги терговчи тергов гуруҳининг раҳбари ҳисобланади. Ўз навбатида, терговчи тергов гуруҳи таркибига кирувчи мутахассис билан воқеа жойини кўздан кечириш вақтида узвий ҳамкорликда фаолиятини амалга оширади. Амалиётда ҳодиса жойига биринчи бўлиб ким кириши кераклиги ханузгача кўп тортишувларга сабаб бўлмоқда. Айрим ходимлар ҳодиса жойига биринчи бўлиб кинолог мутахассис бириктирилган ити билан кириши керак, дейишса, айримлар

криминалист эксперт-мутахассис ҳодиса жойига кириши керак, дейишади. Аслида одам савдоси билан боғлиқ ва бошқа турдаги жиноят жойларига терговчи ҳодиса жойидан келиб чиққан ҳолда ким кўпроқ натижа беришига қараб ҳодиса жойига ким киришини ўзи белгилайди, яъни ҳодиса жойига биринчи бўлиб ким киришидан қатъий назар, жиноят излари ёки унга алоқадор далилий манбалар йўқолиб кетмаслиги керак. Терговчи ва эксперт-мутахассис ҳодиса жойидаги предмет ва излар тасодифан келиб қолган, деган фикрдан йироқда бўлиши керак. Уларнинг бир-бири ҳамда жиноят ҳодисаси билан ўзаро боғлиқ бўлиши мумкинлигини ҳеч қачон назардан қочирмаслиги лозим.

Терговчи жиноятчининг ҳодиса жойидаги ҳаракатини кўз олдида келтиради, ҳодиса жойини кўздан кечириш режасини тузади ва шу режа асосида кўздан кечиришни тўлиқ амалга оширади. Терговчи томонидан ҳодиса жойининг чегаралари аниқланади ва илгари ўралган жойга ўзгартиришлар киритилиши мумкин ҳамда махсус тасмалар ёрдамида ўраб олинади. Шундан сўнг ҳодиса жойидаги барча предметлар ва излар, жиноятга алоқадор далиллар қидириб топилади, тасвирланади ҳамда ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасига киритилади.

Ҳодиса жойида илгари сурилган тусмолнинг қандай эканлигидан қатъий назар, ҳодиса жойидаги излар ва предметлар тадқиқ этилади ҳамда олинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳодиса жойидаги предметлар ва излар – терговчи, холислар ва мутахассис томонидан қандай ҳолда топилган бўлса, шундай ҳолда баённома ҳамда иловаларда (фотожадвалда, режа-схемада) акс эттирилади.

Одам савдоси билан боғлиқ содир этилган жиноят бўйича ҳодиса жойи кўздан кечирилган пайтда иштирок этаётган ходимлар қуйидаги ишларни:

1. Терговчи ҳодиса жойидаги вазиятни ўрганиб, унга баҳо беради ва барча иштирокчиларга раҳбарлик қилиб, ҳолатларни расмийлаштиради.

2. Мутахассис жиноят излари, жиноят содир этиш қуроллари ва бошқа ашёвий далилларни топиш, қайд этиш, олиш ва қадоқлаш ишларини амалга оширади.

3. Кинолог мутахассиси итнинг из олган ёки олмаганлигига қараб ҳолатни расмийлаштиради.

4. Тезкор вакил ўз хизмати доирасида ҳаракатларни амалга оширади.

5. *Профилактика инспектори ўз ваколати доирасида маълумотларни йиғади ва расмийлаштиради. Керакли ҳолатлар бўйича дарҳол терговчини хабардор қилади.*

6. *ПШХ ходимлари ҳодиса жойи дахлсизлигини таъминлайди ва бошқа топшириқларни бажаради.*

Юқоридагилардан ташқари ҳодиса жойини кўздан кечиришда жиноят содир этилиши учун яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳам аниқланади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатлари, тезкор ва ташкилий тадбирлар билан параллел равишда олиб борилиши ёки ҳодиса жойини кўздан кечириши тергов ҳаракати тугатилиши билан бошқа тадбирлар ўтказилиши мумкин. Бундай тадбирларга қуйидагиларни киритиш керак, яъни гумонланувчи ёки жабрланувчининг мастлиги ёки уларнинг соғлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мақсадида тиббий кўрикка жўнатиш ёки олиб бориш, жиноятчиларни иссиқ изидан қидириш, криминалистик ҳисоблар бўйича текшириш, мурдани суд тиббий экспертизага жўнатиш, тергов экспериментини ўтказиш, олиб қўйиш ёки тинтув ҳаракатларини олиб бориш, гумонланувчилар ёки гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларни сўроқ қилиш, экспертизалар тайинлаш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, одам савдоси билан боғлиқ жиноят жойлари бошқа турдаги жиноят жойларидан мураккаблиги билан ажралиб туради. Чунки одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг кўлами кенг бўлиб, бошқа жиноятлар билан боғлиқ равишда содир этилади. Бу ўз навбатида, ушбу жиноятни содир этган субъектлар сони ва жиноятни содир этиш занжири катта бўлади. Жиноятда иштирок этган субъектларнинг барчасини аниқлаш ва уларнинг қилмишига яраша жазо олиши учун исботлов базасини яратиш терговчи, эксперт-криминалист, суд-тиббий эксперти, кинолог, тезкор қидирув ходими, профилактика инспектори ва бошқа ходимларнинг ҳодиса жойини кўздан кечириши тергов ҳаракатининг самарали ўтказилишига боғлиқ бўлади. Ушбу ходимлар барча билим ва кучларини сафарбар этсагина, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашда катта ҳисса қўшган бўлади.

Бунда албатта, одам савдоси каби жирканч ҳамда тубан иллатдан халос бўла борамиз. Янги Ўзбекистоннинг асл мақсад-муддаоси ҳам шуни тақозо этади.

РЕЗЮМЕ

Мазкур илмий мақолада одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашишда тергов харакатларини белгиланган тартибда тўғри ўтказиш жараёни халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорликка асослансагина яхши самара бериши мумкинлиги кўрсатиб берилган.

В данной научной статье показано, что борьба с любой формой торговли людьми может быть эффективной только в том случае, если она будет основываться на надлежащем расследовании, серьезном подходе на международном и региональном уровне и взаимном сотрудничестве.

This scientific article shows that the fight against any form of human trafficking can only be effective if it is based on proper investigation, a serious approach at the international and regional level and mutual cooperation.



Аъзам ВАХИДОВ

махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНING ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

Демократик ҳуқуқий давлатда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек айрим ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, баргараф этиш борасида аниқ фаолиятни қамраб олишга қаратилган якка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирларини амалга оширишда қонунга мувофиқ баҳолаш ўта муҳимдир. Энг аввало, бу ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик объектини тўғри аниқлашга боғлиқ бўлади. Демак, мазкур объектни аниқлашдан олдин якка тартибдаги профилактикага берилган таърифни эътиборга олишимиз зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**”ги қонунининг 28-моддасида “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ҳамда содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси**”, деб изоҳланган.

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг таъсир этиш объекти сифатида:

- *ижтимоий хулқ-атворли шахс;*
- *ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахс;*
- *ҳуқуқбузарликлар содир этган шахс ҳисобланмоқда.*

Шунингдек, қонуннинг 3-моддасида якка тартибдаги профилактикасининг объектларига нисбатан берилган тушунчаларга, чунончи:

ижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи — жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахсга тўхталамиз.

Бундан ташқари, 2010 йил 29 сентябрдаги “**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида**”ги қонуннинг 3-моддасида:

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари назарда тутилади.

Дарвоқе, қонунларда берилган асосий тушунчалар инобатга олинган ҳолда ҳуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикаси объектларини қуйидагилар ташкил этади. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. *шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи*: қонуний никоҳсиз эр-хотин бўлиб яшаш, кўп қаватли уйларда яшаб, баланд овозда мусиқа оҳангларини эшитиб, қўшнилари тинчини бузиш ёки шундай оқибатни келтириб чиқарувчи бошқа машғулотлар билан шуғулланиш, оилада низоли ва жанжалли вазиятларни юзага келтириш, гиёҳвандлик ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш кабиларда;

2. *шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи ҳаракатлари*: жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда юриш, жамоат жойида юрганда ёки ўтирганда писта чақиб ёхуд жамоатчилик фойдаланадиган йўл ва йўлакларни туфлаб (нос) ифлослантириш, гап ташиш, ғийбат қилиш, кишиларни уруштириб қўйиш каби ҳаракатларда;

3. *шахсинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи ҳаракатсизлиги*: асосли сабаб бўлмасдан жамоат транспортларида қарияларга, ногиронларга ёки ҳомиладор аёлларга жой бермаслик ёки маҳаллада уюштириладиган оммавий ҳашарларда иштирок этмаслик сингари ҳаракатсизликларда ифодаланиши мумкин.

Айни бир пайтда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар сифатида қуйидагилар эътироф этилади. **Улар:**

- *тажовузкор руҳий касаллар;*
- *ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганлар;*
- *ҳеч қаерда ишламайдиган, иш ёқмас, текин томоқ фуқаролар;*
- *мустақил фикрга эга бўлмаган, бировларга кўр-кўрона эргашиб кетадиган ва диний фундаменталистик гояларга берилувчан шахслар;*
- *олиб борилаётган давлат сиёсатига нисбатан асоссиз қарши фикр билдирувчилар;*
- *иш фақат жабрланувчининг шикоятини билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикоятини бўлмаганлиги учун жиноят иши тугатилганлар.*

Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилганлар ҳуқуқбузарлик содир этмаган ёки содир этган бўлса-да, ҳуқуқбузарлик тариқасида ҳуқуқий баҳо берилмаган ёхуд содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича айбдорлиги исботланмаган, аммо ўзининг ижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахслар сифатида эътироф этиладилар.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ҳуқуқий қилмиш (*ҳаракат ёки ҳаракатсизлик*)ни содир этганлик бўйича иш юритувнинг муайян бир босқичида айбдор деб топилиб, ҳуқуқбузарликка оид иш тугатилган, аммо шу каби қилмиш учун жавобгарликка тортилиб, жазоланган шахслар ташкил этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахслар ушбу орган ёки муассасанинг ички буйруқлари билан белгиланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ўзига нисбатан яқка тартибда профилактика иши олиб бориладиган шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойлари кабилар), маънавий-

рухий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий кадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темпераменти ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва рухий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши ҳамда ўрганиш натижалари асосида якка тартибдаги профилактик чоратadbирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин.

Умуман олганда, ҳуқуқбузарликларнинг якка ва умумий тартибдаги профилактикаси профилактик таъсир кўрсатиш объектининг бир ёки бир гуруҳ шахслар ташкил этиши билан фарқланади. Бошқача айтганда, якка тартибдаги профилактикада муайян шахсга, умумий тартибдаги профилактикада эса бир неча (ўн, юз, минг ва хаттоки миллионлаб) шахсларга профилактик таъсир кўрсатилади. Айнан мазкур жиҳатни эътиборга олган ҳолда якка ва умумий тартибдаги профилактик чоратadbирлар ўзига хос тарзда шакллантирилган.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, айрим ҳолларда истисно тариқасида бир гуруҳ шахслар ҳам ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг объекти ёхуд ушбу бир гуруҳ шахслар муайян бир бутун объектни ташкил этиши мумкин. Бунга низоли оилаларни мисол қилиб келтирсак бўлади. Яъни, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан ўз фаолият йўналишлари ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда шахс ва унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ҳамда турмуш тарзи, шахснинг ижтимоий ҳуқ-атвори ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши шарт.

Ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий, тарбиявий таъсир кўрсатиш ва улар ҳисобини юритиш борасида ваколатга эга бўлган давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларни қонун билан белгиланган ва профилактик объектларга таъсир этиш усуллари ҳамда шакллари амалга ошириш берилган. Хусусан,

“**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**”ги қонуннинг 9-моддасига асосан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг тизими кўрсатилган. **Жумладан:**

- ички ишлар органлари;
- давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси органлари;
- прокуратура органлари;
- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- адлия органлари;
- давлат божхона хизмати органлари;
- давлат солиқ хизмати органлари;
- давлат хизмати агентлиги;
- таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ҳамда муассасалари;
- давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари;
- Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари назарда тутилади.

Ушбу норманинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади. Демак, юқорида қайд этилган давлат органлари ва муассасалар ўзининг ваколатлари доирасида ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, тарбиявий ва бошқа йўналишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига таъсир этиши кўрсатилган.

Мазкур профилактик субъектлар орасида ички ишлар органларига бевосита яқка тартибдаги профилактик объектларга тарбиявий таъсир этиш ҳамда улар ҳисобини юритиш ваколати берилган. Ички ишлар органларига берилган ваколат “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**”ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, тўлақонли яқка тартибдаги профилактик объектларга таъсир кўрсатиш ваколатлари белгиланган.

Ушбу ваколатлар қуйидагилар ҳисобланади:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

мамлакат ва айрим минтақаларда, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишдаги самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобдорлигини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

ушбу қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларнинг профилактик ҳисобга олинишини амалга оширади;

фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жиноятларни фош этиш ҳамда терговда, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ва бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этади;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, ички ишлар органлари қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Шундай қилиб, таъсир этишнинг асосий мақсади ижтимоий ҳуқуқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобдорлигини юритиш ва тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолият ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги ўта муҳим профилактикаси дир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг объектлари ва субъектлари тушунчаси, уларнинг бир-биридан фарқли томонлари таҳлил этилган.

В статье разъясняется понятие объектов и субъектов индивидуальной профилактики правонарушений, их отличительные стороны друг от друга.

The article explains the concept of objects and subjects of individual crime prevention, their distinctive features from each other



**Муродхон ТУРАЕВ,
махсус касбий фанлар кафедраси ўқитувчиси, подполковник**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ўзбекистон Конституцияси ўттизинчи йилдирки, тарихий санага айланмоқда. Ўтган давр Конституциямизнинг ҳаётийлиги ҳамда демократик маърифий жамият асосларини таъминлашга қодирлигини исботлади. Асосий Қонунимиз ўз мазмун-моҳияти эътибори билан равнақ топаётган миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир.

Конституцияда халқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаровий жамият барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу истак-ҳоҳишлари мужассам ифодаланган. Бугунги кунда Конституциямиз тараққиётнинг буюк неъматини – ёрқин тимсоли сифатида халқнинг дилидан теран жой олди, ҳар биримиз учун мўътабар ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий қадриятга айланди. Турмушимизда унинг ҳаётбахш кучи, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштирувчи таъсири кундан-кунга ортиб бормоқда. Шак-шубҳасиз, асосий Қонунимиз жамиятни бирлаштирувчи ҳамда баҳамжихат ахил кенг оммани ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантирувчи муҳим омил сифатида майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси энг олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқий тузумини белгилайди. Шунингдек, у демократия ва адолат принципларини, ривожланишимизнинг устувор йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда миллий-маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлайди.

Конституция жаҳон тажрибасига кенг таяниш ҳамда унинг ютуқларидан баҳраманд бўлиш асосида яратилган. Айни вақтда, эътиборга молик жиҳати шундаки, Асосий Қонунимиз дунёнинг илғор ҳуқуқий халқаро тажрибаси билан ўзбек халқининг бой тарихий, миллий ва маънавий қадриятларини уйғунлаштира олган. Халқимизнинг беназир фазилатларини жамлаган бу ҳужжат халқимизга меҳр-мурувват ва саховат сарчашмаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий Қонунимиз инсон капитали камолотини олий мақсад деб тан олиб, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш

тамойилини барчамизнинг онгимизга сингдирмоқда. Унда давлат, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги ва жавобгарлиги мустаҳкамланган. Шунингдек, мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр–қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Зеро, *“жамиики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон”* деган ғоя Конституциямизнинг бош арконини ташкил этади.

Асосий Қонунимиз юртимиз сиёсий ва ҳуқуқий эркинликларининг ишончли кафолати сифатида эътиборга сазовор бўлмоқда. Бу борада Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча муҳим қоидалари ва меъёрларини ўз мазмунига сингдирган. *«Давлат органлари ва мансабдор шахслар, – дейилади бахт Қомусида жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»*. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор саналиши ҳамда улар конституциявий даражада кафолатланишини англатади. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни ва кадр–қиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас бўлиб, улар давлат томонидан ҳимояланади. Конституциямизда хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлилигига алоҳида урғу берилган. Ана шу қоидани ҳаётга жорий этиш борасида ҳам ижобий қадамлар ташланмоқда. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизлар, айниқса, оналарнинг роли ва фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларга барчамиз гувоҳмиз. Улар таҳсинга лойиқдир.

Конституция Ўзбекистон фуқароларига комилликка эришиш учун лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий–маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берди. Бир сўз билан айтганда, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин раванқ топиши учун реал шарт–шароитлар яратиш ўз ифодасини топган. Конституциявий қоидалар орқали замонавий янги демократик қадриятлар, тамойиллар ва ғоялар ижтимоий онгимизга, ҳуқуқий тафаккуримизга кириб келди. Суверен давлатчилик ва одил демократик жамият қуриш ғоялари шулар жумласидандир. Бу принциплар барчага, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасига ҳам тегишлидир.

Миллий Қомусимиз – жаҳон ҳамжамияти эътироф этган халқаро ҳуқуқ тамойили ва қоидаларига тўла мос. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида халқаро муносабатларга киришади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч ва сиёсий ўзаро келишув воситалари билан ҳал

этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа нормаларига амал қилиш заминига қурилган. Конституциянинг барча қоидалари, бутун ички ўзига хос салоҳияти ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган. Унда ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий тамойил ва белгилари ҳамда ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган. Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунга асосланиши, қонунлар Конституцияга тўлиқ мос бўлиши талаб қилинади. Қонун олдида барча баробар. Қонунга бўйсунуш мажбуриятдан ҳеч ким халос этилмайди?!

Конституциямиз, унда қайд этилган тарихий-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиниши натижасида Ўзбекистонда демократик жамиятнинг барча талабларига жавоб бера оладиган янги конституциявий тузум қарор топди. Конституциявий тузумнинг демократия ғояларига содиқлиги кўп жиҳатдан Конституцияга риоя қилиш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга итоатгўйлиги билан чамбарчас боғлиқ. Лекин Конституциявий тузум Конституцияга расман амал қилиш деган гап эмас. Конституциявий тузумда энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўлиқ тан олинади ҳамда амал қилинади. Давлат органлари эса Конституцияга мувофиқ ҳаракат қилади ва тўлиқ Конституциявий ҳуқуққа бўйсунди.

Барпо этилаётган янги Ўзбекистон халқи учун муносиб фаровон турмуш – миллий инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари адолат мезонлари асосида кафолатланиши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз юксалиши шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаб бериши айни муддао. *Айнан шу ғоя Конституциямиз акс эттирган улуг қадриятдир.* Зотан, ҳар қандай ижтимоий адолат ва қадриятнинг мезони - унинг инсон манфаатлари ва эҳтиёжларига хизмат қилиши билан белгиланади.

Ҳар бир инсоннинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи шахсий эркинлик пойдевори ва ижтимоий ҳаёт негизини ташкил қилади. Айнан мулкчилик ҳуқуқи инсоннинг реал эркинлиги мақоми, умуман олганда жамият иқтисодий тизимининг ижтимоий табиатини ташкил этади. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини, иқтисодий фаолият юритиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини акс эттирувчи ғоя ҳамда қоидаларни мустаҳкамлайди. Унга кўра, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланади.

Ҳалол тадбиркорлик қадимдан ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган. Савдо ва хунармандчилик анъаналари кўп минг йиллик тарихга эга.

Турон заминимизнинг савдогару-хунармандлари бутун Буюк Ипак йўлида ўзларининг поклиги, ўзганинг молидан ҳазар қилиши, бағрикенглиги билан шон-шуҳрат қозонган. Уларнинг тадбиркорлиги, ўз Ватанларига нисбатан бекиёс меҳр-мурувватлари туфайли юртимиз шаҳар ва қишлоқлари гуллаб-яшнаган.

Дарвоқе, давлат иқтисодий сиёсатининг бош мақсади тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоялаш ҳамда фаолиятига асосиз аралашишларига чек қўйишдан иборат бўлмоғи лозим. У инсоният ақл даҳоси кашф этган ҳокимиятни демократик ташкил этиш тамойили асосида давлат идоралари ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб беришга хизмат қилди. Шу туфайли замонавий парламентаризм анъаналарига мос миллий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов шаҳобчалари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг оқилона конституциявий механизми шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳокимиятининг ваколатлари ҳуқуқий мақомини белгилаш халқаро ҳуқуқ тамойиллари ҳамда жамият ва фуқаро манфаатларидан келиб чиқади.

Конституция шарофати ила ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма – хиллиги асосида ривожланмоқда. Ҳеч бир сиёсий партия яқка ҳоким бўлишига, яъни мафкураси давлат мафкураси даражасига кўтарилишига йўл қўйилмайди. Сиёсий партиялар парламент демократияси асосий қоидалари ва талабларига риоя этган ҳолда фаолият юритадилар. Мазкур Конституция мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, маданий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг тамомила янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг замини сифатида гавдаланмоқда. Унда белгиланган мақсад ва вазифалар, ғоя ва принциплар мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий устуворликларини ва стратегик йўналишларини белгилаб беради.

Илғор давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёт тажрибаси Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси чуқурлашиб боришини тақозо этади. Бугунги кунда бизнинг ишлаб чиқарувчиларимизни жаҳон хўжалик алоқаларига киришишлари яхши самарадорлигини бермоқда. Ишлаб чиқариш корхоналаримизда янги, илғор технологиялар қўлланилмоқда, илмий-техникавий ахборот алмашинуви фаол юз бермоқда. “Ўзбекистонда

ишлаб чиқарилган” тамғаси билан тайёр маҳсулотлар жаҳон бозорига чиқарилмоқда.

Шоҳ қонунимизда тараннум этилаётган демократик кадриятлар ва миллий ғоямиз халқимиз маърифий дунёни англаётган бўлса, жаҳон оммаси Конституциямиз орқали халқимизнинг табиати ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Асосий Қонунимизда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва саховатпешалик, мардлик ва жасорат, кечиримлилик, самимийлик, садоқат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларда эса тинчлик ва осойишталикни таъминлаш каби ҳислатлар ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Унда ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда юксалтириш дастури, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, очик фуқаролик жамияти тинчлиги ҳамда миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш баён этилган.

Сўнгги йилларда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўттиз йиллигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар, таъбир жоиз бўлса, мухтарам Президент Шавкат Миромоновичнинг 20 июнда Конституциявий ислоҳотлар комиссия аъзолари билан учрашувидаги нутқи халқимизнинг хоҳиш-истаги, эзгу-мақсадларининг ифодаси, яъни юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларга инқилобий ўзгариш олиб кирди. Ҳозирги пайтда энг муҳим тамойил: “**инсон – жамият - давлат**”га асосланганлиги миллий давлатчиликда янги йўналишни юзага келтирди. Булар: инсон қадрлари учун, унинг тенг ва эркин ҳуқуқлари, қадр-қимматини юксалтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим-тарбиянинг Учинчи ренессанс – Уйғониш даврининг энг муҳим бўғинлари – тўрт узвий ҳалқаси эканлигини эътироф этиш, Президент қайд қилганидек: “*Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлмиш ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиши – долзарб масаладир*”.²⁰

Мухтарам Шавкат Миромонович *тўртинчи йўналиши* – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масаласини кўтарар экан: **Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат** деган янги юрт ғоясини илгари сурганлар. “*Биз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган халқчил давлат барпо этишини*

²⁰ Халқ сўзи. 2022 йил 21 июнь.

кўзлаганмиз. Бу шунинг асосидики, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари халқ учун ишлайди, унга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти устидан халқ назорати ўрнатилди.

Конституцияга давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ихчам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритишни таклиф қиламан”²¹, деди Президент.

Айтиш жоизки, сўнгги олти йил – янги Ўзбекистон даври, яъни, “конституциявий ислохотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода, халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади”, деб ўйлайман.

Бу “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи - халқдир” деган тамойилга тўла мос келади. Шунда бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси – менинг Конституциям” деб юксак гуруҳ билан айта олади, қайд қилди,²² Шавкат Мирзиёев. Махсус комиссия эътиборига ҳавола қилинди.

Мустақиллик – бу ўзбек халқи учун тимсол, тилсим, тумор мақомини олди. У – Мустақиллик: бу ўзбек халқимиз ва она юртимиз учун бир умрлик эмас, балки абадул-абад мангудир. Матн – Мустақиллик муҳим матнга айланиб қолади. Бош Қомусимиз ички саҳифаларида ишлатилса, айтиш муддао бўлади.

Ўзбекистон Конституциясида 80 марта ДАВЛАТ атамаси ишлатилган. Ўрни келганда, айтиш керак, мухтарам Президент Шавкат Мирзиёев (2021 йил 9 сентябрь) О‘зЛиДеРнинг X съезида: “Янги Ўзбекистон – инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир” мавзусида нутқ сўзлади. Асосий урғу: “бугунги кунда давлатимиз инсон учун, халқ учун очилди. Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду таъшишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим яратдик”²³ка берилди.

Дарҳақиқат, бугун эришган барча ҳаракатларимиз асосида буюк Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ ва бебаҳо аждодларимизнинг давлат ва халқ бирлиги, инсонпарварлик ва адолат устуворлиги ҳақидаги юксак ғояларига таяндик. Шу асосда халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, парламентаризмни ривожлантириш ва давлат органлари

²¹ Халқ сўзи. 2022 йил 21 июнь.

²² Ўша газета.

²³ XXI аср. 2021 йил 10 сентябрь.

ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат ва жамият бошқарувида очиклик ва адолат қарор топди, халқ манфаатларига хизмат қиладиган халқпарвар қарорлар қабул қилиш тизими шакллантирилди.

Бу пурмаъно фикрлар миллий давлатчилигимизнинг асосий тамойилларига қаратилди. Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда демократия тамойиллари, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Эзгу ишлар янада давом эттирилиб, ижтимоий адолат тамойили асосида барқарор ривожланишнинг дастури ишлаб чиқилди, у давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳада бундай кенг кўламли ишлар сира ҳам бўлмаган... Янгиланаётган Ўзбекистон, яъни Президент таъкидига кўра: *“Миллий тарихни миллий руҳ билан яратилиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”*²⁴.

Аҳоли фикри ва таклифларини ўрганиш учун “meningkonstitutsiyam.uz” платформасининг яратилгани дунёнинг турли нуқталаридаги Ўзбекистон фуқаролари учун ўз фикр-таклифларини билдириш орқали Бош Қомусимизни янада бойитишда ўзига хос имконият яратди. Демак, мазкур онлайн-платформада берилган таклифлардан келиб чиқиб, уларда замон руҳи ва дунё тажрибаси акс этмоқда. Шу жиҳатдан, конституциявий ислоҳотлар ўта долзарб ва ўз вақтида амалга оширилаяпти.

Янги Ўзбекистон Конституцияси қоидаларининг таҳлили, унинг нақадар теран демократик заминга, кудратли сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир кучига эгаллигини исботлайди. Демак, худди ана шу ғоявий, фалсафий, ҳуқуқий-мафкуравий, маърифий-тарбиявий салоҳиятини, мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар онгига сингдириш мақсадида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, янгиланаётган Конституциянинг асосий кўрсатмаларини ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қатъий бажарилишини таъминлайдиган механизмни яратиш зарур. Зотан, конституциявий тузум мустақамлигининг энг муҳим шарти Асосий Қонун нормаларининг бевосита ҳаракати ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий Мажлиснинг инсон

²⁴ Янги Ўзбекистон. 2022 йил 2 июнь.

хуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), прокуратура, ИИО ва бошқа хуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ўз фаолият йўналиши бўйича Конституция меъёрлари амалда қўлланилишининг самарасини Конституциявий ислохотлар мунтазам равишда йўлга қўймоқда.

Шундай қилиб, янги Ўзбекистон Конституцияси ғоялари, тамойил ва қоидаларини хуқуқий тафаккуримиз ҳамда маданиятимиз таркибий қисмига айлантирмоқ, яъни юртимизда демократик хуқуқий давлат барпо этишга пухта замин яратади. Зеро, бундай миллий давлатчиликни қарор топтириш – унинг сиёсий-хуқуқий мафкурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади. Ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатда фаол иштирок этмоқ ҳар биримизнинг Ватан саодати ва равнақи йўлидаги муқаддас бурчимиздир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада янги Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумини, фуқароларга қамқоқликка эришиш учун лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий–маданий хуқуқ ва эркинликлари қамқоқликни, таҳлил этилган.

В статье описывается новая Конституция Узбекистана как закон высокого уровня, гарантирующий образ нашего государства, его социально-экономическое и политическое устройство, все личные, экономические, политические и социально-культурные права и свободы, необходимые гражданам для достижения совершенства.

The article describes the Constitution of Uzbekistan as a high-level law that guarantees the image of our state, its socio-economic and political structure, all personal, economic, political and the socio-cultural rights and freedoms necessary for citizens to achieve excellence.

*Илмий ахборот***Хасан АКРАМБАЕВ****жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси, подполковник****ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТИНГЛОВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ ИФТИХОР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ**

Ҳозирги глобал ва таҳликали даврда баркамол авлоднинг истиқбол сари ишонч билан одимлаши ҳамда маънавиятининг юксалиши кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади. Етук маданиятли инсон миллий мафкура ғояларини ўзлаштириб, уларга қатъий равишда таянган ҳолда ижтимоий фаолиятни амалга оширади. Улардан самарали фойдаланиш орқали миллий ҳис-туйғу, ғурур ва ифтихор такомиллашади, шунингдек, миллий ўзликни англаш туйғуси шаклланади ва ривожланиб боради.²⁵

Миллий ифтихор – ўз миллий мансублигидан фахрланиш. ўз миллатининг бой тарихи, маданияти ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш имконияти. Ўзлигини англаш ва ўзгаларни тушунишга даъват этувчи қудратли куч. Унинг яна бир жиҳати шундаки, шахснинг энг аввало, қайсидир миллатга мансублиги, унинг кенг имкониятларидан қувона олиш фазилатигина эмас, балки яшаб турган заминга, фуқаролиги дахлдор бўлган мамлакатга муносабат белгиси ҳамдир. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс ўз мамлакати билан фахрланади ҳамда унинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Миллий ифтихори кучли бўлган шахс истиқболни чуқурроқ англайди, унинг эртаси бугунидан кўра мукамалроқ бўлишига ишонади.²⁶

Мамлакатимизнинг юксалиши замирида ички ишлар органлари тизимидаги таълим муассасалари тингловчиларига Ватан, ватанпарвар, ҳарбий ватанпарварлик, миллий ғоя, ифтихор, миллий ифтихор каби категорияларнинг мазмун ва моҳиятини илмий педагогик жиҳатдан доимий равишда ёритиб бориш уларда миллий ифтихорни шакллантириш ҳамда равнақ топтиришда ўз таъсирини кучайтиради.

²⁵ Рўзиева Д.И. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга оид методик тавсиялар – Т., 2006. – Б.3.

²⁶ Иброҳимов А., Султанов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: – 1996. – Б. 288-289.

Ватан – она юрт, туғилган макон, маскан маъноларини англатади. Ватан тушунчаси инсон яшайдиган жой, муқаддас тупроқ, шу юрт табиати, атроф-муҳит, қушлар ва ҳайвонот дунёси, ота-боболардан қолган мероси, миллий қадриятлари мажмуидир.²⁷ Демак, инсоннинг туғилиб ўсган юртидаги бутун борлиқ унинг Ватанидир.

Ватанпарвар – ғамхўрлик қилувчи, ўз Ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, Ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи инсонлар.²⁸ Демак, ватанпарварлик одамларнинг она юрти, Ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаловчи тушунча ҳисобланади.

Ҳарбий ватанпарварлик – деганда ҳарбий таълимни қамраб олган ва ватанпарварлик тарбиясига эга бўлган инсонлар тушунилади.²⁹ Бу инсоннинг Ватан олдидаги бурчини ҳис этишни, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда шахсий жонбозлик ва фидойилик кўрсатишни, керак бўлса қахрамонликка тайёрлигини англатади.

Миллий ғоя – халқнинг энг эзгу орзу ва улуғ интилиши, ғурур ва ифтихори, ор-номуси ва руҳий мададкори сифатида у билан доимо бирга келаётган ғоя. Миллий ғоя бизнинг ўтмишимиз ва бугунги истиқболимизни ўзида мужассамлаштиради, у миллатимизнинг манфаат мақсадларини ифодалайди, элементлари тараққиётга хизмат қилади. Миллий ғоя, авваламбор миллатимиз онгида, қалбида тарихий хотиралари орқали авлоддан авлодга ўтиб, янги-янги ғоялар билан бойитилиб, халқимизнинг юксалиши йўлида инсоннинг ҳаётига маъно-мазмун бахш этади.

Миллийлик – миллатнинг тегишли дини, бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос тили, урф-одат, анъана ва қадриятлар, миллий кийим, таомлар, аждодларимиз мероси, миллатига боғлиқ бўлган нарсалар тушунилади. Шунингдек, ғоя - мақсад, объектив борлиқни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айна замонда кишининг борлиққа ва воқеликка муносабатини ифодаловчи, уларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи, одамларни истиқбол сари етакловчи фикр, тушунча, тасаввур. У шундай муҳитни яратиш баробарида фуқароларни яқдил, юксак маънавий мўлжаллар

²⁷ Абдуваҳоб Мадвалиев таҳрири остида Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Т., 2020. 1 том. – Б. 444-445.

²⁸ Атажанова Ш.Б. Оилада ўсмир-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда илмий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари // Диссертация. Тошкент 2001. – Б. 17-18.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш // Услубий қўлланма. – Т., – 2018. Б. 5.

теварагида яқинлаштириб, баъзан эса чигал иқтисодий, сиёсий вазиятлардан энгиб ўтишда таянч бўлади.³⁰

Ифтихор – шон-шараф келтирувчи фахрланса арзийдиган иш, кимса ёки нарса.³¹ Қўшимча қилиб айтганда, инсон бирор муваффақиятга эришганида ундан фахрланади ва она Ватанга бўлган меҳру-мухаббати табиий туйғу сифатида товланиб, ифтихори шаклланади, равнақ топади.

Миллий ифтихор – миллий-ғурур туйғусига эгаликнинг юқори босқичи бўлиб, у миллатнинг “яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис қилишидир”. Миллий ифтихор туйғусига эгалик, шунингдек миллатнинг кишилиқ тараққиёти тарихида тутган ўрнини, жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаси ва кадр-қиммати ҳамда обрў-эътиборини муносиб баҳолай олиш, миллат истиқболига бўлган ишончга эгаликни ҳам ифодалайди.³²

Миллий ифтихор ғоялари руҳида тарбиялаш мазмун-моҳиятининг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятларини теран англаш, уни миллий тараққиётнинг устувор йўналишлари билан боғлаб, такомиллаштириб бориш ҳамда унинг ёрдамида инсонни руҳлантириш жуда муҳимдир.

Ички ишлар органларида таълим муассасаларида ўтиладиган маъруза, семинар ва амалий машғулотларнинг кириш қисмида қолаверса, маънавият ва маърифат дарслари, давра суҳбатлари, баҳс-мунозара, бадиий кеча ва анжуманларда Ватан, ватанпарварлик, миллий маданият, миллатнинг ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, аждодларимиз мероси, обидаларимиз, миллий байрамлар, тарихий ва маънавий бебаҳо хазиналаримиз, Ўзбекистон тарихи, Ички ишлар вазирлиги тарихи, Давлат рамзлари ва бошқа йўналишлар бўйича чуқурроқ маълумотлар берилиши тингловчиларнинг миллий ифтихор туйғусининг янада ортиб боришига хизмат қилмоқда. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, ички ишлар органлари таълим муассасаларида ўқитилаётган ҳуқуқий, ҳарбий, тарих ва бошқа ижтимоий фанлар тингловчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиради, юксак маънавият ва ватанпарварликни, эл-юртга садоқатни, адолатни, ҳалолликни, ўзлигини унутмаслик, тарихий кадриятларни асраб-

³⁰ Мунавварова М. Миллий ғоянинг маънавий илдизлари // – Т., 2011. – Б-3-22.

³¹ Хожиев А., Нурмонов А., Зайнобудинов С., Кокрен К., Саидхонов М., Собиров А., Куронов Р. Хозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати – Т., 2001. – Б-79.

³² Рўзиева Д.И. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари // П.ф.д. диссертация. – Т., 2007. – Б-469.

авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини шакллантиради, шунингдек иймон-эътиқодини мустаҳкамлаб, иродали, жисмонан бақувват, ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол ходим этиб қарор топтиради. Айтиш жоизки, миллий ифтихор туйғусини тингловчиларда шакллантириш ва раванқ топтириш, уларда бугунги ва эртанги кунга ишончини уйғотади ҳамда ҳалол меҳнат қилиш фазилатларини сингдиради.

Ҳуқуқий фанларни ўқитиш жараёнида тингловчилар онгида ҳуқуқ ва қонунчилик тасаввурлари, ҳис-туйғулари пайдо бўлади ҳамда улар томонидан ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни талқин қилиш ва тўғри фойдалана олиш уларда айни бир пайтда ҳуқуқий саводхонликни оширади. Ҳуқуқни англаш ички ишлар органлари ходимида масъулиятини, қонунга ҳурматини юксалтиради ва унда садоқат, адолат, ҳалоллик хислатларини ҳосил қилиб, ифтихори шаклланади.

Ҳарбий фанларни ўқитиш тингловчиларда замонавий қурол-яроқ ва ҳарбий-техник ҳамда ҳарбий санъат билимларини билиш билан бирга ўз мамлакатидан фахрланиш туйғуси ва Ватан олдидаги бурчини ҳис этишини, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда шахсий фидойилик кўрсатишини, психологик билимларни, шу билан бирга: **“Мен Ватан ҳимоячисиман”** деган ғурурни шакллантиради.

Тарих фанларини ўқитиш жараёнларида қадимий, ўрта ва ҳозирги пайтдаги тарихий ҳақиқат, тарихий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ўргатилади ва тингловчиларда ўзлигини англаш ва сингдириш тарихий қадриятларни асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш, буюк аждодларимиз билан фахрланиш ҳамда уларни ҳаётида намуна қилиб кўрсатиш фазилатлари шаклланади ва раванқ топмоқда.

Тингловчиларни миллий ифтихор руҳидаги тарбиясини шакллантиришнинг муҳим дидактик имкониятларидан бири Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзларининг мазмун-моҳиятини чуқур билиши ҳисобланади, чунки Давлат рамзлари мамлакатимиз мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсол бўлиб, халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр ва ифтихор бағишлайди.

Ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисмлари ҳамда таълим муассасаларида битирув ва бошқа тантанали тадбирларда Ўзбекистон Давлат рамзлари билан олиб ўтилган Байроғи, жўш урган Давлат мадҳияси ҳарбий

хизматчиларда ва ички ишлар органлари ходимларида ғурур ва ифтихорни янада кучайтиради. Яна тингловчиларни миллий ифтихор руҳида тарбиялашнинг дидактик имкониятларидан бири “*Хизмат қасамёди*” ҳисобланади.

“*Қасамёд*” – *йигит-қизларнинг орияти, ғурури*. Унга фақат мард, жасур инсонларгина содиқ қоладилар. Қасамёд негизида юрт тинчлигини сақлаш, осойишталигини асраш, ватанпарварлик, фидойилик, юртга, халққа бўлган чинакам меҳр ётади. Шу боис ҳам қасамёд юксак масъулият юқини талаб этади. Ўз қасамёдига содиқ қолиш ҳар бир Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас бурчидир. Қасамёдни бузиш Ватанга хиёнат ва сотқинлик, деб таърифланади.

Ички ишлар органлари ходимларида хизмат қасамёдининг тарбиявий аҳамияти қуйидагиларни шакллантиради:

**фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя этиш;
она Ватанига, халқига, Президентига садоқат билан хизмат қилиш;**

**сўнгги нафасгача, ўз Ватанига содиқ фарзанд бўлиб қолиш;
ҳар қандай машаққат ва қийинчиликларни сабот билан енгиш;
мамлакатимизнинг нурли истиқболи ва Янги Ўзбекистоннинг муносиб ҳимоячиси бўлиш;**

зиммасига юклатилган мажбуриятларни виждонан, сидқидилдан бажаришдир!

Дарҳақиқат, тингловчиларни миллий ифтихор руҳида тарбиялашда театр санъати, юксак маънавият хазинаси бўлмиш жаҳон ва миллий адабиётлар, музейлар, зиёратгоҳлар ва бошқа дидактик имкониятлар муҳим рол ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг ўзлигини англаши, шонли тарихимиз, бой ўтмишимиз, бутун дунёга донғи кетган буюк алломаларимиз илмий меросларини ўзлаштириш бебаҳо манбага айланиб бормоқда. Тарихий воқеалар ҳақида намоёиш этилган хужжатли ва бадий фильмларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаши эса инсон онги ва қалбига муҳрланиб қолади. Бу барчамизда ижодий тафаккурни ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатади ҳамда онгнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, инсон руҳияти ва ижодий тафаккур, маърифат уруғлари билан озиқланади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тингловчи-ходимларни миллий ифтихор руҳида тарбиялашни шакллантиришнинг дидактик имкониятлари, Ватан ва ватанпарварлик каби категориялардаги сўзларнинг мазмуни, ҳарбий, ҳуқуқий ва бошқа фанлар билан комплекс ёндашуви ҳамда хизмат қасамёдининг тарбиявий аҳамияти ёритилган.

В статье представлена дидактические возможности для формирования воспитания в духе национальной гордости у слушателей, содержание слов категории Родина и Патриот, также комплексный подход к военным, юридическим и другим наукам. Освещается воспитательное значение служебной присяге.

The article presents didactic opportunities for the formation of education in the spirit of national pride among cadets (listeners), the content of the words motherland, patriot, pride and words of this category, an integrated approach to military, legal and other sciences. The educational value of the service oath is highlighted.



Фарход ХАТАМОВ,
фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети мустақил изланувчиси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЯНЧИ

Инсон ва фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқлари ва эркинликлари мавжудлигининг замонавий концепцияси инсоннинг ижтимоий-табiiй феномен назарияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ҳақдаги барча таълимотларнинг асоси инсоннинг табiiй ҳуқуқларига асосланади. Табiiй ҳуқуқ концепцияси инсоннинг ижтимоий ва ахлоқий “мавжудот” эканлиги, маълум бир ибтидоий ва ажралмас хусусиятларининг ифодаси сифатида айнан антик даврда ривожлана бошлади. Табiiй ҳуқуқ назариясининг бошланиши даставвал Ксенофонт³³ ва Гераклит³⁴ қарашларида учрайди.

Қадимги Римда эса табiiй ҳуқуқнинг илк назарийчиларидан бири бўлган **Цицерон** биринчи навбатда сиёсий ҳуқуқларни шахснинг табiiй ҳуқуқлари қаторига киритган. Хусусий мулк ҳуқуқининг дастлабки илмий асосларидан бири Цицероннинг рисоласида шундай келтирилган: “*ҳар ким ўзи эришган нарсасига эгалик қилсин, агар кимдир буларнинг бирортасига тажовуз қилса, у инсоният жамиятининг ҳуқуқларини бузган ҳисобланади*”³⁵.

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар эволюциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари гоясининг ривожланиши инсон, унинг автономлиги, эркин ўзини-ўзи бошқариш, кадр-қиммати ва ташаббускорлигини ривожлантириш омилларига асосланган **гуманизм гоясининг** сиёсий жараёнлар ва ижтимоий тафаккур ривождаги ўрни таҳлил этилади. Жумладан, бу борада италян гуманисти **Данте Алигъери** “инсон зоти тўлиқ эркин бўлган тақдирда энг яхши ҳолатда бўлади... бизнинг эркинлигимизнинг биринчи тамойили – бу мустақил қарор қабул қилиш

³³ Ксенофонт. Воспоминания о Сократе, IV б. // Сократические сочинения (Пер. С.И. Соболевского). -М.; -Л.; 1935.

³⁴ Фрагменты Гераклита // Материалисты Древней Греции. Собрание текстов Гераклита, Демокрита и Эпикура. -М., 1955, - 46 с.

³⁵ Цицерон. Об обязанностях, книга I, (VII, 21). М., 1975.- 63с.

эркинлигидир”,³⁶ дея таъкидласа, **Ла Боэси** “инсоннинг эркин бўлиши ва эркинликни хоҳлаши табиийдир, аммо шу билан бирга, унинг табиати турли одат ва тартибларга қўниқиб қолишга мойилдир”,³⁷ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари концепцияси ривожда Шарқда, жумладан, Марказий Осиё сиёсий фикрлар ривожда ислом дини муҳим омил бўлиб хизмат қилганлиги таъкидланиб, сиёсат ва ҳуқуқий масалалар шариат (Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жинойий ва фуқаролик қонуниятлари ҳамда қоидалари мажмуи)да ўз аксини топган. Марказий Осиё ҳудудида сиёсий-ҳуқуқий фикрларнинг ривожланишига IX-XI асрларда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларнинг роли катта бўлди. Бу давр олимлари диний ва дунёвий маърифатга интилиш, табиатга қизиқиш, комил инсонни тарбиялаш, универсаллик, қомусийлик умуман, жамият ва давлат бошқарувига доир барча илмлар билан қизиқиш борасида ўзларини намоён қилдилар. Айнан, *инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – сиёсий маданиятнинг ажралмас феномени сифатида* тадқиқ этилиб, у аввало инсоннинг умумий билим даражаси, дунёқараши, ахлоқ-одоби билан узвий боғлиқликда шаклланади, ривожланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ижтимоий институтларнинг, анъанавий амалиётларнинг, сиёсий қарашларнинг ахлоқий баҳоланиши учун фойдаланиладиган ижтимоий ахлоқнинг марказий категорияларидан ҳисобланади. У асосий халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларда (давлатлар Конституциялари ва халқаро ташкилотлар Низомларида) ўз аксини топиб, халқаро ва миллий даражадаги замонавий сиёсий риториканинг муҳим воситасига айланган, дейиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари ғояси турли халқлар ва маданиятларнинг кўп асрлик ахлоқий тажрибасига асосланганлигига қарамай, бугунги кунда уларни амалга оширишда бир қатор жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда. Уларнинг инсон ҳуқуқлари ғоясини рад этиши ёки турли чеклов принциплари маълум даражадаги сиёсий ихтилофларга ҳам олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари концепциясини маданиятлараро мулоқот жараёнида таҳлил қилишни долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

³⁶ Данте Алигьери. Монархия. Книга первая // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т.1. –С. 235.

³⁷ Ла Боэси. Рассуждение о добровольном рабстве//Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. -М., 1997. Т.1. –С.295.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоси объектив, генетик жиҳатдан сиёсий таркибга хосдир. Айтиш мумкинки, шунинг учун инсон ҳуқуқлари фақат инсон ҳуқуқлари ҳақида ижтимоий-субъектив ғоялар, қарашлар, назариялар ва уларга асосланган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий қоидалар мавжуд деган маънода талқин қилиниши мумкин эмас. Ғоялар ва меъёрлар ҳар хил ижтимоий қатламларга, гуруҳларга, синфларга, миллатларга ва бошқаларга мансуб бўлган одамларнинг доимий ўзгариб боровчи ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини (кенг маънода инсон ҳуқуқлари муаммосини) қондиришнинг объектив мавжуд муаммоларини ифодалаш лозим. Демак, инсон ҳуқуқлари муаммосини ижтимоий-қадрият, ижтимоий-синфий талқин қилишнинг муқаррарлиги ва уни ҳал қилиш йўллари, айнан мафкуралашган ва сиёсийлаштирилган “инсон ҳуқуқлари” тушунчасини пайдо қилади.

Инсон ҳуқуқларининг том маънодаги намоёни ҳуқуқий давлатда ўз аксини топади. Шунинг учун таҳлилларга кўра, ҳуқуқий давлатни яратиш йўлидаги сиёсий курсни амалга ошириш жараёнида энг жиддий хавф, унинг фақат расмий шаклини ҳақиқий имконият деб ҳисоблаш керак. Шу муносабат билан ҳуқуқий давлат жавоб бериши керак бўлган энг умумий талаблар сифатида қуйидагиларни таснифлаш мумкин:

- фуқаролар асосий ҳуқуқларининг ҳар томонлама кафолати, уларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун самарали ишлайдиган, содда ва ошкора бўлган юридик механизмнинг мавжудлиги;

- қонунчиликнинг барча синфлари ва ижтимоий қатламларининг энг муҳим манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва жамиятдаги ахлоқий-психологик вазиятига мувофиқлиги;

- долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг амалий жараёни контекстида қонунчиликни органик равишда такомиллашуви;

- қонун ҳужжатлари барқарорлиги ва динамизмининг диалектик бирикмаси;

- фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши учун амалий демократик процедураларнинг мавжудлиги;

- жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

- давлатнинг қонун ижодкорлиги, ташкилий, мафкуравий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бирлиги;

- сиёсий, давлат ва ижтимоий тизимнинг барча даражаларида ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги зиддиятли ва низоли вазиятларни ҳал қилишнинг мукамал ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги;

- давлат апарати ва жамоат ташкилотлари ходимларининг касбий ва маънавий етуқлиги, уларнинг касбий вазифаларини сифатли бажаришига интилиши;

- мамлакат фуқароларининг юқори ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданияти назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг мантиқий давоми сифатида Тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти Янги Ўзбекистон истиқболини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Айни пайтда, эришган марралар ва йўл қўйилган камчиликларни мунтазам таҳлил қилиш, яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фаолиятни пухта ўйланган режалар асосида олиб бориш талаб этилади. Чунки, ижтимоий-сиёсий ҳаёт доимий ўзгариш ва ривожланишдан иборатдир.

Демократик ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – инсон ва унинг манфаатлари ифодаси ҳисобланиб, унинг замирида “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиқлик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар³⁸ ётишини тушуниб етмоғимиз лозим. Демак, Тараққиёт стратегияси “миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб бериш бизни бундан буён фаолиятимизни “инсон-жамият-давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этишга”³⁹ ундайди.

Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноёб механизмини такомиллаштиришга оид аниқ ташаббус ва таклифлар берилди. Шу билан бирга, БМТда “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” глобал форуми, Ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжуманини

³⁸ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda_293336.

³⁹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatiy-davom-ettiramiz_318163.

ҳамда Диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференцияларни ўтказиш белгиланган⁴⁰. Мазкур ташаббуслар, энг аввало, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатига қаратилган, дейишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда нафақат давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим белгиси вазифасини бажариши лозим. Айнан, улардан демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус ва ғояларни ишлаб чиқиш ҳамда мазкур жараённинг фаол ижрочисига айланиши талаб этилади. Фуқаролик жамияти институтлари ҳар бир шахснинг манфаатларини инобатга олган ҳолда жамият билан давлат ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўташи, инсонларда фаол фуқаролик позицияси ва дахлдорлик ҳиссини оширишда муҳим роль ўйнаши талаб этилади.

Резюме

Мазкур илмий мақолада инсон ҳуқуқлари концепцияси ва унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни таҳлил этилади. Бугунги жадал ислоҳотлар шароитида Янги Ўзбекистонни куриш жараёнида инсон ва унинг ҳуқуқ-эркинликлари олий қадрият эканлиги асослаб берилган.

В данной научной статье анализируется понятие прав человека и его роль в общественно-политической жизни общества. В условиях современных стремительных реформ обосновано, что права и свободы человека является высшей ценностью в процессе строительства Нового Узбекистана.

This article analyzes the concept of human rights and its role in the socio-political life of society. In the conditions of today's rapid reforms, it is justified that human rights and freedoms are the highest value in the process of building New Uzbekistan.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

Тингловчиларга ёрдам

АЛЛОМАЛАР БИСОТИДАН

ДУШМАНГА МУОМАЛА ҚИЛИШ ТУЗУКИ (Соҳибқирон Амир Темур сабоғи)

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввати эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар.

Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ излаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон мол-мулк ва тирикчилик ашёларини улардан аямадим.

Яна ўз тажрибамдан билдимки, содиқ ва ҳақиқий дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз ёви деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим.

Яна ўз тажрибамда кўрдимки, ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан. Чунонки, Амир Қазағаннинг набираси Амир Хусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини ҳеч бир душман қилмайди.

Амир Худойдод менга шундай деди: *“Душманингни лаълу жавоҳирдек сақлагил, қачонки бирон тошлоқ ерга келиб қолсанг, уни олиб тошга шундай ургинки, талқони чиқиб, ундан нишон ҳам қолмасин”*. У яна шундай деди: *“Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатгил”*. Чунонки, мен Тўхтамишхонга қилганим каби. У паноҳимга сиғиниб келганда, унга яхшилик ва мурувват кўрсатдим.

Агар душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрса-ю, яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни Парвардигорнинг ҳукмига топшир.

Чин дўст улдурки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

(“Темур тузуклари” дан).

УМАРШАЙХ МИРЗО ҚИЁФАСИ ҲАҚИДА

Умаршайх Мирзо жуда саховатпеша инсон эди. Сўнгги пайтларда унинг омади унчалик чопмаётганди. Зиёфатга келган меҳмонлар билан у хўп улфатчилик қилди. Синчини чақириб, Бобурнинг келажагини башорат қилиб беришини талаб қилди, шоҳлар учун битилган тақдирнома (“Шоҳнома”)дан мисоллар келтирди.

Умаршайх Мирзонинг қилган улкан ишлари унинг ўз мулки сифатида сақланиб қолди. Авваллари у каптарбозликка ишқибоз эди. Унинг каптарлари унга мамлакатнинг турли чеккаларидан хат-хабарлар олиб келишар ва у каптарларини ҳавода думбалоқ ошиб ўйин кўрсатишга ўргатар ва каптарлар атрофида лочинларнинг учишига йўл қўймас эди. Лекин Бобур туғилган куни подшоҳнинг бутун вужуди янги туғилган шаҳзодага қаратилганди.

Отаси ҳақида Бобур шундай ёзади: *“Ғоят саховатли эди. Хулқи ҳам саховатича эди. Хушхулқ, ҳазилкаш, гапга чечан ва ширинсўз киши эди. Шижоатли ва мардона киши эди. Юрт олиши дағдағаси туфайли анча ярашлар урушга ва дўстликлар душманликка айланар эди. У Амир Темурнинг салтанатини охирги йилларида қўлида сақлаб турган хукмдор – Абусаид Мирзонинг тўртинчи ўғли эди. Паст бўйли, юмалоқ соқолли, сарғиш юзли, норғил киши эди. Тўнни роса тор кияр эди. Шунчаликки, белбоғ боғлаганда қорнини ичига тортиб боғлатар, боғлагандан сўнг қорнини қўйиб юборса, кўпинча белбоғлари узилиб кетарди. Киймоқ ва емоққа бетакаллуф эди. Саллани дасторпеч ўраб қўярди. У замонда саллалар бутун – тўрт ўрама бўларди. Текис чирмаб, учини осилтириб қўярдилар. Ёз пайтлари маҳкамадан бошқа ерларда аксар мўғилча бўрк киярди”*.

“Эътиқодига келсак, у ҳанафий мазҳабида, покиза эътиқодли киши эди. Беш вақт намозни канда қилмас эди. “Шоҳнома”га ихлоси баланд бўлса ҳам, аксар Қуръон тиловат қилар эди. Ўзи хушхулқ, жасур ва мард киши эди. Ўқни ўртача чоғлиқ отар эди. Мушти жуда қаттиқ эди, унинг муштидан йиқилмаган йигит йўқдир. Авваллари кўп ичарди, кейинчалик ҳафтада бир ёки икки марта ичадиган бўлди. Кейинги пайтларда кўпроқ маъжун истеъмол қиларди, ҳазил, шўхликка ўч, ҳамшиша нард ўйнар, гоҳо қимор ҳам ўйнарди”.

**Харольд ЛАМБнинг
“Бобур - йўлбарс” асаридан.**

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ – МАШҲУР ФИҚҲШУНОС**“Ҳидоя” – бебаҳо ишончли қўлланма**

Марказий Осиёда мусулмон ҳуқуқи, фикҳшунослик билан шуғулланган машҳур олим, ватандошимиз Абул Ҳасан Али ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинонийдир (1123-1197 й.й.) Бўлажак фикҳшунос Риштонда таваллуд топган. У Марғилон, Самарқанд ва бошқа илм марказларига сафар қилади, атоқли олимлардан ҳадис, тафсир ва фикҳ илмини ўрганади, кичиклигидан Қуръони Каримни ёдга олади. Фикҳ илмини чуқур билганлиги учун ул зотни “Бурҳон удин ва-л-милла” деб атаганлар, яъни олимни мусулмон дунёсидаги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи деб улуғлаганлар. Буюк ҳуқуқшунос ва фикҳ ал-Марғиноний Самарқандда вафот этган ва шу ерда дафн этилган.

Бурҳониддин ал-Марғиноний фикҳ илмига бағишланган бир нечта асарларнинг муаллифидир. Улар жумласига “Китобун фил-фароиз” (Мерос ҳуқуқи бўйича китоб), “Мазийдун фи фуруъ-ил-ханафия” (Ханафия масхабига қўшимчалар), “Китоб ул-машойих” (Шайхлар ҳақидаги китоб), “Нашр ул-мазҳаб” (Мазҳабнинг тарқалиши), “Бидоят ул-мубтадийъ” (Бошловчилар учун дастлабки таълим), “Кифоят ул-мунтохий” (Яқунловчилар учун тугал таълим) ва бошқалардир. Лекин алломанинг ҳамма асарлари бизгача етиб келмаган. Етиб келганлари эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Унинг шоҳ асари “Ҳидоя”дир. Алломанинг ушбу асари туфайли нафақат ислом оламига, балки бутун жаҳонга донғи кетди. “Ҳидоя” арабча сўз бўлиб, “тўғри йўлдан олиб бориш”, “ишончли қўлланма” маъноларини англатади. Ушбу китобнинг рус тилидаги қисқача таржимаси XIX асрнинг охирларига тегишлидир. “Ҳидоя” Салоҳиддин Муҳиддин раҳбарлигидаги бир гуруҳ таржимонлар томонидан арабчадан ўзбек тилига ўгирилган.

Аллома фикҳ муаммоларини шарҳлашда Қуръон, шариат ва ҳадисларни асосий манба қилиб олар экан, уларда мавжуд бўлган инсонпарварлик ғоялари, хулқ-одоб ва ахлоқ нормаларига таянади. Қуръон ва унга асосланган шариатда ҳуқуқий масалалар билан бирга, маънавий-ахлоқий қоидаларга кенг ўрин берилади. Марғинонийнинг “Ҳидоя” китобида ахлоқ ва ҳуқуқ масалалари бир-бири билан уйғунлашиб кетган.

Унда намоз, ҳаж, рўза тутиш, закот, таҳорат, никоҳ, талоқ, жиноят ва жазо, мол-мулк, олди-сотди масалалари шарҳ қилинади, уларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари очиб берилади.

Никоҳ ва оила – тенглик манбаи

“Ҳидоя”да никоҳ ва оила масалаларига катта ўрин ажратилган бўлиб, уларда оиланинг ҳуқуқий ва ахлоқий бурчлари ҳар томонлама таҳлил этилган. Бу тасодифий ҳол эмас. Чунки, мусулмон мамлакатларида азалдан бола тарбияси, эр-хотин муносабатлари, мулкчилик ва мерос, аёл ва эркекнинг мулкдорлик ҳуқуқи ва бошқа масалаларга катта эътибор берилган.

Таъкидлаш жоизки, “Ҳидоя” асарида оила ва никоҳ масаласида чиқарилган ҳукмларнинг бири бу – эркек ва аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий ва ақлий жиҳатдан иложи борича тенг бўлиши масаласидир. Бундай ҳолатни Марғиноний никоҳда “Куфуъ ҳолати” ёки “кафоат” деб атайдди. *“Кафоат” сўзининг луғавий маъноси тенгликдир. Қонун тилида эса “кафоат” атамаси эр ва хотин ўртасидаги тенгликни билдиради.* Никоҳда икки томон – эр ва хотин бир-бирига муносиб бўлиши шарт. Агар шундай бўлмаса турмушда айрим муаммолар ва жанжаллар келиб чиқиши, эр-хотин муносабатларига путур етиши мумкин. Эр ва хотин насл-насабда, ижтимоий мавқеда, билим-савия, дид-фаросатда, имон-этиқодда, мулкдорликда бир-бирига яқин бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Лекин, аёл қуйроқ даражада бўлса, унча зарарли эмас, чунки эр оила раҳбаридир. Аммо аксинча бўлса, аёл ўзини камситилган ҳисоблаши мумкин. Бунинг устига эрнинг оила раҳбари сифатидаги мавқеига путур етади. Марғинонийнинг “Ҳидоя” китобида бу ҳақда шундай дейилади: “Никоҳда тенглик эътиборга олинади. Пайғамбар алайҳиссалом айтганларки, “Огоҳ бўлингларки, аёлларни фақат валийларгина эрга берсинлар ва фақат ўзларига тенг бўлган кишигагина берсинлар”.

Никоҳда талаб этиладиган тенгликнинг иккинчиси – этиқод, яъни дин-иймондаги тенгликдир. Бу ҳақда Марғиноний шундай ёзган эди: “Яна диндаги тенглик ҳам эътиборга олинади. Яъни, диндор ёки диндор эмаслиги эътиборга олинади”. Бу Абу Ханифа ва Абу Юсуфнинг сўзларидир ва мана шу энг тўғри сўздир. “Ҳидоя”да ҳар бир мусулмон, “аҳли китоб” аёлларга

уйланиши шаръийдир, дейилади. Бу ерда “аҳли китоб” деганда Куръон, Забур, Таврот, Инжилга, яъни яҳудий ва носаро (христиан) динига эътиқод қилувчилар назарда тутилади. Баъзи фақиҳларнинг ҳукм қилишича, уларга зардушт динига эътиқод қилувчилар ҳам киритилган.

Аллома Марғиноний никоҳда эр ва хотиннинг диний эътиқодидаги тенглик эътиборга олинishi керак, деб таъкидлар экан, ўз даврининг ғоявий ва мафкуравий шароитидан келиб чиққан ҳолда бу масалага маълум даражада янгилик киритишга ҳаракат қилган. У тарихий ва ижтимоий шароит тақозосидан келиб чиққан ҳолда, никоҳда эътиқоддаги тенгликка катта эътибор берилишини таъкидлаган бўлса ҳам бундан мақсад маънавий-ахлоқий поклик бўлган. Булардан ташқари “Ҳидоя”да оила ва никоҳ муносабатларида эр ва хотиннинг мулкий тенглиги эътиборга олинishi масаласи ҳам шарҳ қилинади. Бу ҳақда Марғиноний шундай ёзади: “(Кудурий) айтади: “Молдаги (тенглик) ҳам эътиборга олинади. У (яъни молдаги тенглик) маҳрга ва нафақага эга бўлишдир” (“Ҳидоя”. 683-бет). Бу ҳукмнинг муҳим ижтимоий-ахлоқий ва ҳуқуқий томони шундаки, мулкдаги тенгликдан мурод *энг аввало*, аёлни моддий жиҳатдан таъминлаб, уни ижтимоий таъминлаш бўлса, *иккинчидан*, эрга оиланинг моддий эҳтиёжларини ўз устига юклашдир. Бунда оиланинг мустаҳкам ва давомли бўлишини таъминлайдиган асосий моддий таянч нафақа ҳисобланади.

Аслини олганда, фикҳ оила-никоҳ муносабатларини тизимлаштириб ва қонунлаштириб, ижтимоий борлиқнинг инсонпарварлик тамойиллари ва инсондаги ахлоқий-ҳуқуқий фазилатларнинг кейинги даврларда такомил топишига катта таъсир ўтказган. Шу нуқтаи назардан олганда, Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу китобда оила ва никоҳ масаласининг ҳамма жиҳатлари чуқур ва батафсил, адолат мезонига асосланган ҳолда ёритилади. Адолатнинг асосий мезони сифатида эса инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат, маънавий поклик, ўзаро ҳурмат, ҳалоллик каби эзгу тушунчалар кўзда тутилади.

Марғинонийнинг хизмати шундаки, никоҳ аҳдини тузувчи ҳар икки томоннинг, хусусан аёлнинг эр танлаш ҳуқуқининг дахлсизлигини никоҳнинг шартларидан бири, деб ҳисоблайди. Марғиноний аёлнинг “эр танлашга ҳаққи” борлигини алоҳида таъкидлайди. “Балоғатга етган қиз, - дейилади “Ҳидоя”да, - бевосита шарият қонунларига буюрилган, ўзига ҳур инсондир. Шундай экан, уни мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Балоғатга етмаган ёш қизга эса унинг ақли ҳали етилмагани учун валийлик

тайинланади. Балоғат ёшига етиши билан унинг ақли ҳам мукамал бўлади. Унга шариат қонунларига амал қилиш буюрилганлиги бунинг далилидир”. Ушбу масалада Марғинович томонидан ўртага ташланган муҳим маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ғоялардан бири - қиз боланинг никоҳ тўғрисида ўзининг қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги ҳақидаги билимга эга бўлишининг зарурлигидир. Яъни: “Никоҳнинг асл моҳияти ҳақида илм бўлишлиги шарт қилинади. Чунки қиз бола фақат илми бўлгандагина тасарруф эта олади. Бу дунё илм олиш дунёси, бунда жоҳиллик узр бўлолмайди”. Марғиновичнинг бу фикрлари ҳозирги давримиз учун ҳам нафақат маърифий-тарбиявий, балки маълум даражада ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Зеро, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш – демократик ва фуқаролик жамиятининг пойдеворидир.

Дарҳақиқат, шундай хулосага келиш мумкин, Марғинович никоҳ ва оила муаммосининг ҳуқуқий томони билан бирга, маънавий-ахлоқий томонига ҳам катта эътибор берган. Чунки, балоғатга етган ҳар бир эркак қандай ақл-идроққа эга бўлса, қиз-жувон ҳам шундай ақл-идроққа эга эканлигини эътироф этиш билан эркак ва аёлнинг никоҳ масаласида бир хил маънавий ҳуқуққа эга эканликлари таъкидланади. Ушбу муаммонинг ўта муҳим ахлоқий ва тарбиявий аҳамияти яна шундан иборатки, у никоҳнинг мустаҳкам ва оиланинг пок бўлиши учун ҳар икки томоннинг бир-бирларига нисбатан маълум маънавий ҳуқуқларга эга бўлишлари билан бирга, уларга бир қатор маънавий ва ҳуқуқий масъулиятларни ҳам юклайди.

(“Ахборотнома” учун).



БЕРДИМУРОД ҚАРҒАБОЙ ЎҒЛИ БЕРДАҚ ПАНДНОМАСИ

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ (1827-1900) Қорақалпоғистон Республикасида (Орол денгизининг жанубий қирғоғида) камбағал оилада туғилган. У қорақалпоқ классик адабиёти ва прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрнинг энг фаол ва ижодкор вакили. Унинг “Бу замонда”, “Кшринди”, “Яхшироқ”, “Халқ учун”, “Солиқ” каби шеърлари 1956 йилда “Ўздавнашр”да (“Танланган асарлар”) чоп этилган.

*Отим Бердимурод, мен халқнинг ўғли,
Саҳрода сайровчи сайроқ булбули.
Ўн гулидан очилмади бир гули,
Муродига етолмади халқ учун.
Ажал етиб ўлсин шу кунда ўлим,
Кетимда қолади ўлмайин сўзим.
Тирикликда кўрди кўпларни кўзим,
Фарқни билган хизмат этар халқ учун.
Бердимурод, ўйлаб сўзингни кўргин,
Юрак сўқмоқлардан изингни кўргин.
Қайғу чекмай гарибларга қўл бергин,
Шунда ишинг бўлур фақир халқ учун.
Бердимурод ҳақиқатни изладинг,
Мудом элга тўғри йўлни кўзладинг.
Ёвузлардан кўрқмай, ҳақни сўзладинг,
Жон-танингни бердинг доим халқ учун.*

Бердақ ёшлигидан ислом динини мукаммал билган. Чунки отаси уни ўзи туғилиб ўсган овулдаги масжид қошидаги мактабга беради. Мактабни тугатгач, Қорақумэшон мадрасасида ўқишни давом эттиради. Моддий шароити оғирлиги сабабли мадрасанинг охириги “курси”ни тугатолмай кетишга мажбур бўлади. Лекин у ислом қонун-қоидаларини мукаммал билган ва фалсафий қарашларида **Яссавия тариқати** тарафдори сифатида ижод қилган. Буни Бердақ ёзиб қолдирган қуйидаги мисралардан ҳам билса бўлади:

*Сездирмасдан бек ҳам хонга,
Ҳам уларга яқин жонга,
Ота юрти Туркистонга,
Бориб, йўқни излар эдим.*

Мазкур мисраларда “бек” қорақалпоқ эли хукмдори, “хон” Бердақ даврида Хоразм хони, “уларга яқин жон” овулдаги оқсоқол, “Ота юрти Туркистон” Турон заминининг кейинчалик номланиши ҳамда ҳазрат Аҳмад Яссавий муқим топган жойга борганлиги, лекин уни топа олмаганлиги армони кўрсатилган.

(“Ахборотнома” учун).



МУНДАРИЖА

Бош муҳаррир минбари 8

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Нуруллаев У. Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни сифат жиҳатидан тайёрлашнинг янги тизимини жорий этиш – замон талаби.....10

Аҳмедов О. Профессионал касбий раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш – долзарб вазифа 19

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

Матлюбов Б. Юксак ишончни оқлаш – ёшларимизнинг билим ва шижоатига боғлиқ 26

Расулев У. Организация профессиональной начальной подготовки сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан 30

Зайнутдинов С., Умаров З, Ватанпарварлик – мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим воситаси 35

Сувонқулов М. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш – Тараққиёт стратегиясининг муҳим омили..... 43

Кабиров А. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳодисаси жойини кўздан кечириш 55

Вахидов А. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасининг объектлари ва субъектлари 60

Тураев М. Янги Ўзбекистон Конституцияси – инсон ҳуқуқлари ва миллий тараққиёт гарови 67

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Акрамбаев Х. Таълим муассасаларида тингловчиларни миллий ифтихор руҳида тарбиялашни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари 75

Хатамов Ф. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – янги Ўзбекистон таянчи.....81

Тингловчиларга ёрдам

АЛЛОМАЛАР БИСОТИДАН

Душманга муомала қилиш тузуки 86

Умаршайх Мирзо қиёфаси ҳақида 87

Бурҳониддин Марғиной – машҳур фикҳшунос 88

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ пандномаси 92

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**Журналда диссертацияларнинг асосий илмий
натижаларига оид илмий мақолалар эълон қилиш учун
ТАЛАБЛАР**

1. Чоп этиладиган материалларни тақриздан ўтказишнинг мажбурийлиги (зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК сўрови асосида тегишли тақризни тақдим этишнинг мажбурийлиги).

2. Мақола тайёрланган ташкилотнинг тавсия хати.

3. Чоп этиладиган илмий мақола қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

– ўзбек, инглиз ва рус тилларида қисқача резюменинг мавжуд бўлиши;

– фойдаланилган асосий адабиётларнинг аниқ келтирилиши ва мақоланинг камида 0,25 б.т. ҳажмида бўлиши;

– муаммонинг қўйилиши; материалнинг назарий методологик ва услубий жиҳатдан пухталиги, манбаларнинг ишончлилиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг асослилиги назарда тутилади.

4. Электрон варианты CD дискда бўлиши керак.

5. Мақола таҳририятга икки нусхада топширилади

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий журнал

№ 1/2022

Босишга рухсат этилди 19.09. 2022. Буюртма № 38
Қоғоз бичими 60 x 84 ^{1/8}. Шартли б. т.- б. Адади 50 нусхада.
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100170, Тошкент ш. Бўз-2, 17-уй.